2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 104 (893), 2023 йил 30 май, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ЙИРИК ИНВЕСТОРЛАР ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА САРМОЯ КИРИТИШГА ҚИЗИҚИШ БИЛДИРМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 май куни Мисрнинг "Orascom Investment Holding" компанияси раиси Нажиб Савирисни қабул қилди.**



Мисрнинг етакчи инвестиция-саноат корпорацияси раҳбари олий даражадаги келишувлар доирасида мамлакатимизда бўлиб турибди.

Учрашувда компаниянинг Ўзбекистонда қўшма "йўл харитаси" доирасида қиймати 1,2 миллиард доллардан зиёд бўлган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги режалари кўриб чиқилди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, геология-қидирув ишларини амалга ошириш ва металл конларини ўзлаштириш, замонавий меҳмонхона мажмуаларини барпо этиш ва бошқариш, қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

**ЎзА**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

**БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ**

## Миллий ғоя миллат учун ҳаёт масаласи

### У авлодларнинг орзу-умидлари ва келажакдаги имкониятлари, манфаатлари, мақсадларини ўзида акс эттиради



**Дунёнинг аксарият ривожланган давлатлари ўз миллий ғояси ва шиорларига эга. Бу ғоя ва шиорлар мамлакатдаги халқларни ягона эзгу мақсад йўлида бирлаштиради, фаровон ҳаёт учун сафарбарликка, қўлни қўлга бериб меҳнат қилишга, умуммиллий юксалишга чорлайди.**

Масалан, ўз тарихи, маданияти, миллий хусусиятларига кўра, бизга яқин бўлган Япония, Жанубий Корея, Хитой, Сингапур каби мамлакатлар халқлари ана шундай эзгу ғоя асосида бирлашиб ривожланганини кўришимиз мумкин.

Айтиш керакки, бугун биз ниҳоятда мураккаб, таҳликали, таҳдидли ва тажовузкор дунёда яшаяпмиз. Жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, беқарор сиёсат, гегемонлик васвасаси, ўзаро зиддиятлар, миллатчилик каби иллатлар биздан ҳар қачонгидан-да кўпроқ миллий бирликни талаб этмоқда.

Шунинг учун ҳам бугун Ўзбекистоннинг миллий ғоясини илгари суриш пайти келди. Зеро, миллий ғоя барча мақсад-муддаоларимизнинг калити ҳисобланади. Ғоясизлик ёки иккинчи даражали ғоя миллатни заиф қилади, турғунликка етаклайди.

Бизнингча, у сифатли таълим ва замонавий илм-фан негизида юқори интеллектуал даражали авлодни тарбиялашдан иборат бўлиши керак. Чунки юқори интеллектуал даражали авлоднинг пайдо бўлиши, жамиятнинг барча бўғинига кириб бориши, мамлакатдаги мавжуд соҳаларнинг ижобий ўзгаришига, янгиланишига, ривожланишига, тараққий этишига олиб келади.

Аввало, шуни англаб олишимиз керакки, қайсики давлат юксак тараққиётга эришган бўлса, бу фақатгина таълимга эътибор, илм-фанни ривожлантириш самарасида содир бўлганига тарихда мисоллар кўп.

Давоми 3-бетда

**БУГУННИНГ ГАПИ**

## "Яшил" лойиҳалар ва инновацион технологиялар

**МАМЛАКАТИМИЗДА 400 ДАН ОРТИҚ КАТТАЮ КИЧИК ДАРЁ БОР. УЛАРНИНГ УМУМИЙ УЗУНЛИГИ 12,7 МИНГ КИЛОМЕТРНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. АСОСАН, МАЗКУР СУВ ОҚИМЛАРИГА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ ҚУРИШ ОРҚАЛИ "ЯШИЛ" ЭНЕРГИЯ ҲОСИЛ ҚИЛИНАДИ**



**Вақт — оқар дарё. Ҳар бир дақиқа оқар сув каби тўхтам билмайди. Бинобарин, ана шу ўтаётган вақт мобайнида дарёлар келтираётган самаранинг ҳам аҳамияти беқиёс. Энг аввало, заминимизда етиштирилаётган экинлар обиҳаёт туфайли унади, ўсади, ҳосил беради. Ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик субъектлари, савдо, хизмат кўрсатиш шохобчаларининг аксарияти учун сув — фаолият манбаи. Уйларимиз чароғонлиги, электр билан ишловчи жиҳозлар ҳам гидротехника иншоотларидан қувват олади.**

Давоми 4-бетда

**ОБОД МАНЗИЛЛАР**

## АСОСИЙСИ — ИНСОН ҚАДРИ

### Янги тумандаги ўзгаришлар шу жиҳати билан жуда аҳамиятли

**Бундан бир муддат аввал, яъни 2022 йилнинг апрель ойида давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифи давомида вилоят фаоллари билан учрашувда Чироқчи туманини иккига бўлиш борасида таклиф берган эди. Бу ташаббусни туман аҳолиси кўтаринки руҳда қабул қилиб, ўзларининг узоқ йиллик орзуси ушалиши учун имкон яратилганидан мамнун бўлишди. Шундан сўнг, бу борада ҳаракат бошланиб, қисқа фурсатда янги — Кўкдала тумани ташкил этилди.**

Давоми 2-бетда



**ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ**

OpenBudget O'zbekiston Respublikasi "Ochiq Budjet" Portali

## ЙЎЛЛАР

### фаровонлик ва тараққиёт мезони

— "Очиқ бюджет" портали муаммоларимизни ҳал этишда биз учун айни муддао бўлмоқда. 2022 йилда ўзим сайланган ҳудуддан, яъни Шуманай тумани "Бегжап" овул фуқаролар йиғинидаги Баймақли овулидаги ички йўлларни таъмирлаш таклифини киритдим ва овоз бериш жараёни натижаларига кўра, ушбу лойиҳамиз ғолиб топилди. Бунинг учун 147 миллион 200 минг сўм маблағ ажратилди ва кўчамиз сифатли қилиб таъмирланди. Шу тариқа аҳолини кўп йиллардан буён қийнаб келаётган муаммо ҳал этилди, — дейди Халқ депутатлари Шуманай тумани кенгаши депутати Маҳмуд Есенгелдиев. — Шунингдек, 2023 йилда яна "Бегжап" овул фуқаролар йиғинидаги Бирликли ел кўчасидаги ички йўлларни таъмирлаш таклифини киритиб, лойиҳамиз жами 2871 та овоз билан ғолиб деб топилди. Лойиҳага асосан, 1 миллиард 500 миллион сўм ажратилиб, ушбу ҳудудда янги ички йўл қуриш белгиланди.

Давоми 2-бетда

**ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ**

## ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ҲАФТАЛИГИ



### Жаҳон тўқимачилик саноатининг энг янги инновациялари намойиш этилаётган майдон

**Шу кунларда пойтахтимиз яна хорижлик меҳмонлар, нуфузли ташкилотлар вакиллари билан гавжум. Уларнинг аксарияти тўқимачилик ва мода оламида танилган, дунё тўқимачилик саноатида ўз ўрнига эга тадбиркорлардир. Ушбу соҳа вакилларини юртимизга чорлаган сабаб эса, Халқаро Тошкент тўқимачилик ҳафталиги. Шу йилнинг 29–31 май ҳамда 1–2 июнь кунлари давом этадиган ҳафталик доирасида қатор йирик тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.**

Давоми 2-бетда




ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ

# ЙЎЛЛАР

## фаровонлик ва тараққиёт мезони

Бошланиши 1-бетда

7 май куни "Очиқ бюджет" ахборот порталида эълон қилинган "Менинг йўлим" лойиҳасининг жорий йилги мавсумига овоз бериш якунланган эди. Натижаларга кўра, 517 та лойиҳа ғолиб бўлди. Жараёнда республика бўйича 8 миллион 93 минг 918 фуқаро фаол иштирок этди. Шу жумладан, Қорақалпоғистон бўйича 54 та лойиҳа ғолиб топилиб, бюджетдан 35 миллиард 700 миллион сўм ажратиладиган бўлди.

Масалан, Хўжайли тумани "Қирқинчи" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Парахатшилик кўчаси 1908 та овоз ва "Сабик" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Сабик аули кўчаси 1732 овоз тўплаб, ҳар бири 1 миллиард 500 миллион сўмдан оладиган бўлди.

"Очиқ бюджет" ахборот портали орқали маблағ жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтирилиши қатъий белгилаб қўйилган. Бу жараён, "Ташаббусли бюджет"дагидан фарқли ўлароқ, бир йилда бир марота ўтказилади.

Яқинда 2023 йилги "Ташаббусли бюджет"нинг 3-босқичига овоз бериш ҳам якунланиб, ғолиблар аниқланди. Бу борадаги айрим ташаббускорлар ҳаракати ижтимоий тармоқларда кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлгани ҳам бор гап.

Биз Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва туманлари бўйича "Ташаббусли бюджет"да энг кўп маблағ ажратилган Амударё туманида бўлдик.

— Маҳалламизга келадиган йўлни асфальт қилдириш учун учинчи бор "Ташаббусли бюджет"да иштирок қилиб, ғолибликни қўлга киритдик, — дейди Амударё туманидаги Торёп маҳалласида яшовчи Қудрат Жумабоев. — Маҳалламиз магистрал йўлдан уч ярим-тўрт километр ичкарида бўлиб, қишда лой, ёзда эса чангда юриб бўлмасди. Баъзан тўй ёки бошқа тадбирларга маҳалламизга келган меҳмонлар йўлимиздан шикоят қилишганида жуда хижолат бўлардик. Ўтган йили "Ташаббусли бюджет"ни эшитиб, маҳалламиз аҳли 2022 йилнинг апрель ойида йўлнинг дастлабки 1-километр қисмига маблағ ажратилишига эришди. Ноябрь ойида яна ушбу йўлнинг 1,5 километр қисмига асфальт ётқизилди.

Мана, овул аҳлининг жонбозлиги туфайли йўллар босқичма-босқич таъмирланмоқда.

— Ҳозирча бу йўлнинг қўшни маҳаллалардан ўтган қисмигина асфальт қилинишига эришдик. Шу боис, "Ташаббусли бюджет"нинг 3-босқичида ташаббускор Юсуф Худойберганов атрофида жипслашиб, фаол иштирок этдик. Мазкур лойиҳага овоз тўплаш жараёнида "Торёп" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи барча маҳалладошларимиз ҳам фаол иштирок этиши натижасида маҳалламизгача асфальт йўл келадиган бўлди, — дейди Қудрат Жумабоев.

Ўтган йили "Очиқ бюджет" ахборот порталида ўтказилган "Ташаббусли бюджет" жараёнида иштирок этган туманнинг фаол фуқаролари 1-босқичда лойиҳалари орқали 9 та ижтимоий муаммо ҳал этилишига эришди. Ғолиб чиққан 9 та лойиҳа учун 4 миллиард 720 миллион сўм ажратилди.

Ушбу лойиҳалардан бири Тўлқин овулидан ўтган йўл бўйига пиёдалар йўлакчаси қуриш эди. Чунки йўлак йўқлиги ўқувчилар, аҳоли учун анча ноқулайликлар туғдираётганди. Овулнинг фаол фуқаролари "Ташаббусли бюджет" жараёнида ушбу лойиҳани илгари суриб, ғолиб бўлди. Пиёдалар йўлакчаси сифатли қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, Арнабўйи маҳалласидаги 33-мактабгача таълим ташкилотини жорий таъмирлаш бўйича тақдим этилган лойиҳа ҳам ғолиб бўлди ва муассаса 299 миллион сўм эвазига жорий таъмирланди. Иккинчи босқичда эса 6 та лойиҳа ғолиб топилди ва улар учун 5 миллиард 799 миллион 500 минг сўм сарфланди.

Амударёликлар "Ташаббусли бюджет" жараёнида жорий йилда ҳам ўз ҳудудларидаги ечимини кутаётган турли муаммолар билан иштирок этди. Бу борадаги таклифларнинг 16 таси ғолиб бўлди.

Энди лойиҳалар молиялаштирилиб, ҳудудлардаги электр тармоқларини янгидан тортиш, мактаб биноларини мукаммал ва жорий таъмирлаш, қўшимча бино қуриш, иситиш тизимини таъмирлаш, йўлларга тош, асфальт ётқизиш каби ижтимоий аҳамиятга молик ишлар амалга оширилади.

Эътиборли жиҳати, жорий йилда биринчи босқичда ғолиб бўлган лойиҳаларнинг 5 тасида умумий ўрта таълим мактабларини жорий, капитал таъмирлаш, иситиш тизимини янгилаш ва қўшимча бино қуриш ташаббуслари илгари сурилган. Бу ўсиб келаётган ёш авлоднинг сифатли таълим олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказишига имконият яратиш мақсадида режалаштирилган хайрли лойиҳалардир.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

ОБОД МАНЗИЛЛАР

# АСОСИЙСИ — ИНСОН ҚАДРИ

## Янги тумандаги ўзгаришлар шу жиҳати билан жуда аҳамиятли

Бошланиши 1-бетда

Ташриф чоғида Президентимиз Кўкдала туманини ривожлантириш учун 3 йил ичида 2 триллион сўм маблағ ажратилишини айтди. Шунингдек, туман маркази — Еттитом шаҳарчасида туман ҳокимлиги ва маҳаллий идоралар учун бинолар, "Янги Ўзбекистон" массиви, боғча ва мактаблар, поликлиника, истироҳат боғи, спорт мажмуаси ҳамда халқаро аҳамиятдаги йўл бўйида хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо этилиши, 159 километр йўл таъмирланиб, 50 километр масофага ичимлик сув, 80 километрлик электр тармоқлари тортилиши ҳақида бир қатор вазифаларни белгилаб берди.

Бугунги кунда ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида туманда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2022 йилнинг ёзида туман марказининг қурилиш бош режаси тасдиқланиб, бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Ҳозирда Еттитом шаҳарчасида Кўкдала туман ҳокимлиги биноси, туман прокуратураси, ИИБ, солиқ, кадастр каби бир қатор муҳим иншоотлар ҳамда кўп қаватли тураржойлар барпо этиляпти. Қурилиши якунланган айрим объектлар фойдаланишга топширилмоқда.

— Яқинда аҳоли учун энг зарур объектлардан бири давлат хизматлари биноси ишга туширилди, — дейди Кўкдала туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Ўктам Абдураҳимов. — Шунингдек, кадастр агентлиги бўлими иншооти ҳам фойдаланишга топширилди. Турли йўналишдаги идораларнинг замонавий типда қурилаётган биноларида ҳам иш бошланмоқда. Йил охирида бу ерда ўзига хос чиройли шаҳарча қад кўтарганига гувоҳи бўласиз.

Бир-бирига ўхшамайдиган янги биноларни кўриб, келгусида бу ерда истиқомат қиладиган аҳоли учун қанчалик қулай шарт-шароитлар яратилишини тасаввур қилиш қийин эмас. Шаҳарчанинг бошланиш қисмида туман ҳокимлигининг икки қаватли биноси "Бинокор" масъулияти чекланган жамияти томонидан қурилмоқда. Йирик лойиҳани ўз ичига олган бу иншоот, масъулларнинг таъкидлашича, жорий йил охирига қадар тўлиқ якунига етказилади. Қад ростлаётган бошқа бинолар ҳақида маълумот оларканмиз, шаҳарча бош режасида ҳар бир йўналиш назардан четда қолмаганига амин бўламиз.

Ҳудудда нафақат давлат дастури асосида, балки ҳомийлик ҳисобидан ҳам бир қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, шинам ва замонавий типдаги Маданият маркази қурилишига 40 миллиард сўмдан ортиқ ҳомийлик маблағлари йўналтирилиб, айни пайтда асосий ишлар деярли якунига етказилган. Шу билан бирга, бу манзилга ўзгача чирой бахш этадиган, барча шароитларга эга кутубхона ҳам тез орада аҳолига хизмат кўрсатишни бошлайди. Ҳозирда ташқи ва ички пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. 6 миллиард сўмдан ортиқ сармоя йўналтирилган ушбу иншоот келгусида ҳудудда истиқомат қилувчиларнинг энг севимли масканига айланиши, шубҳасиз. Шунингдек, 17 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига қурилаётган спорт мажмуаси эса ҳар қандай профессионал спортчининг ҳавасини келтириши табиий. Ёпиқ мажмуа тарзида бунёд этилган бино катта ички зал, ташқи тарафида эса мини футбол ҳамда теннис майдонларига эга.

— Янги спорт мажмуасида бир вақтнинг ўзида ўндан ортиқ спорт тури билан шуғулланиш имконияти бўлади, — дейди Кўкдала туман спорт мактаби директори Нурилла Тўлаганов. — Болалигимизда бундай спорт иншоотларини фақат орзу қилардик. Илгари шу яқин атрофда биттагина спорт мактаби бўлиб, у ҳам умумтаълим мактабининг бир чеккасида жойлашганди. Қачон мактаб спорт зали бўш бўлсагина, машғулот ўтилар, бўлмаса ташқаридаги майдонлардан фойдаланишга мажбур бўлинарди. Қишнинг қорли-қировли кунларида эса тўгараклар тўхтаб қолган. Чироқчи туман марказида ўтказиладиган бирор-бир турнирга болаларни олиб бориш ҳам мушкул эди. Қолаверса, фарзандларининг олис йўлга қатнашига ота-оналар ҳам розилик бермасди. Бугун эса шарт-шароитлар бутунлай бошқача. Бу ерда бемалол йирик спорт мусобақалари, халқаро турнирларни ҳам ташкил этиш мумкин. Ўйлайманки, бундай замонавий спорт мажмуаларида шуғулланган ёшлар келгусида юртимиз шарафини жаҳон ареналарида муносиб ҳимоя қила олади.

Жараёнлардан англаш мумкинки, бу ҳудудга туман мақоми берилиши натижасида аҳоли учун кенг имкониятлар эшиги очилаётир. Ҳар бир қурилаётган бино инсон қадрининг юксалишига хизмат қилиши инобатга олинган. Шунингдек, бу манзилда фуқароларнинг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Янги Ўзбекистон массивида ҳам, шаҳарча ҳудудида ҳам тўрт-беш қаватли уйлар бунёд этиляпти.

— Белгиланган режага асосан, 2022-2040 йиллар оралиғида туманимизда жами 134 та кўп қаватли уй қуриб, фойдаланишга топширилади, — дейди Ўктам Абдураҳимов. — Дастлабки ишлар бошланган. Бунёдкорликда, аввало, сифат муҳим. Шундан келиб чиққан ҳолда, бизда бугун кузатув ишчи гуруҳлари тузилган. Ҳар бир иш қатъий назорат қилиб борилмоқда. Камчиликлар ўз вақтида бартараф этилиб, келгусида муаммо келиб чиқмаслиги олди олиняпти. Ичимлик сув, канализация, иситиш ва электр тармоқларига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Энг муҳими, эртанги кунда бу уйларда яшайдиган фуқаролар мамнун бўлишсин, деймиз.

> **Бугун бунёдкорлик ишлари нафақат шаҳарча ҳудудида, балки туманнинг ҳар манзилида давом эттириляпти. Жумладан, ўтган бир йилда тумандаги 18 та маҳалла фуқаролар йиғинига бинолар қуриб берилган, давлат мактабгача таълим муассасаларига қарашли 15 та янги бино фойдаланишга топширилган.**

Шунингдек, 3 та янги умумтаълим мактаби қурилиб, маорифчилар ихтиёрига берилди. Шу билан бирга, деярли барча маҳаллаларнинг ички йўллари жорий таъмирдан чиқариляпти, ичимлик сув билан таъминлаш учун шарт-шароитга кўра, қудуқлар қазиб берилмоқда, тупроқ йўлларга шағал ётқизиляпти. Зарур деб топилган жойларда эски симёғочлар янгисига алмаштирилиб, электр симлари қайтадан тортиб чиқиляпти, янги трансформаторлар ўрнатилмоқда.

— Анча йиллардан бери маҳалламиз кўчаси жуда абгор аҳволда эди, — дейди Торжилға маҳалласида яшовчи Худойберди Диёров. — Ёзда тупроқ, қишда лойдан безор эдик. Яқинда йўлларимизга тўлиқ шағал ётқизилиб, анча тартибга келиб қолди. Янги Кўкдала тумани ташкил этилиши мушкулимизни осон қилди. Буни ҳар бир маҳалла мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундан ташқари, биргина керакли ҳужжат олиш учун Чироқчи туман марказига 48 километр йўл босиб борардик. Яъни шунча масофага бориб, ишимизни битириб қайтгунча бир кун кетарди. Бугун эса барча зарур идоралар шундоққина ёнимизда барпо этиляпти. Қадримиз ҳам, қаддимиз ҳам кўтарилиб, яхши яшаш учун шароитлар яратилаётганидан бениҳоя хурсандмиз.

Ҳа, шундай, бутун юртимизда бўлгани каби инсон қадри учун тамойили асосида Кўкдала туманида ҳам ислоҳотлар қулоч ёзмоқда. Аҳолининг кўп йиллик орзуси ушалиши билан бирга, уларнинг турмуш тарзи, яшаш шароити кун сайин яхшиланяпти. Янги Ўзбекистоннинг янги туманида одамларнинг розилиги, мамнунлиги уларнинг юзи ва кўзида, сўзида акс этмоқда. Мақсад ҳам аслида шундан иборат эмасми?!

**Акбар РАҲМОНОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

# ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ҲАФТАЛИГИ

## Жаҳон тўқимачилик саноатининг энг янги инновациялари намойиш этилаётган майдон

Бошланиши 1-бетда

Ҳафталик кеча "Ўзэкспомарказ"да старт олган халқаро тадбир — "Тўқимачилик ва мода саноати UzTextile Expo Spring 2023" кўргазмаси билан бошланди. Пойтахтимизда йилда икки бор ўтказилиши анъана тусига кирган мазкур кўргазманинг бу галги намойишлари ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаётгани рост. Кўргазма майдонидан 10 мамлакатдан 160 та компания ва бренд жой олди. Германия, Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Тожикистон каби давлатлар ҳамда юртимиздан қатнашаётган корхоналар маҳсулотларини намойиш этиш баробарида янги ҳамкорлар топиш имкониятига эга бўлмоқда.

Кўргазма майдонининг иккала павильони ҳам замонавий тўқимачилик маҳсулотлари билан тўла — энг илғор технологиялар асосида ишлаб чиқарилган ип-калава маҳсулотларидан тортиб, табиий матодан тикилган кийим-кечакларгача топилади. Машҳур брендлар қаторида кўргазманинг илк меҳмонлари ҳам бор. Масалан, Германия миллий павильонини бунга мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Мазкур павильонда 10 га яқин компания тўқимачилик маҳсулотлари, сифати билан жаҳонда оммалашиб бораётган тайёр кийим-кечакларни тақдим этмоқда.

Иштирокчиларнинг аксарияти узоқ йиллик тажрибага эга, аллақачон бренди номини жаҳон майдонида танитган компаниялар. Улар орасида мамлакатимизнинг доимий ҳамкорлари, кўргазманинг анъанавий иштирокчилари ҳам бор.





Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

— Компаниямиз 2003 йилда ташкил топган, Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз 2019 йилда бошланган, — дейди Хитойнинг "Shuntian textile trade co.ltd" корхонаси раҳбари Денну Ҳонг. — Тошкентдаги ҳамкор корхонамизга асосан, драп маҳсулот экспорт қиламиз. Табиий пахта толасидан 200 га яқин турдаги мато, турли тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Матоларимизга дунёнинг кўплаб давлатларида харидорлар бор. Корхонамизда бир йилда бир миллион погон метрдан кўпроқ мато ишлаб чиқарилади. Жорий йилдан бошлаб Бухоро вилоятидаги корхона билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйдик. Уларга юпқа матолар етказиб беряпмиз. Бу ердаги корхоналарга маҳсулотларимизнинг арзон ва сифатли экани маъқул келаётганидан мамнунмиз. Кўргазмада янада кўпроқ харидорлар топишни мақсад қилганмиз.

Тўқимачилик ва тикувчилик саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг энг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири бўлиб, сўнгги йилларда халқаро технологиялар ва сифат стандартларини жорий этишда етакчилик қилмоқда. Асосан, ички бозорга маҳсулот етказиб берган тармоқдан экспортга йўналтирилган саноатга айланиб, чет элга маҳсулот етказиб бериш ҳажмини йил сайин оширмоқда. Айниқса, Европа бозорига чиқиш маҳаллий тадбиркорларимиз учун улкан имкониятлар эшигини очяпти. Жорий йилда мамлакатимиз тўқимачилик саноатида экспорт ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Бунинг учун корхоналаримиз барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Ҳатто жаҳон тажрибасини ўзимизда қўллаш ва халқаро майдон талабларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида хорижлик мутахассисларни жалб этяпти. Халқаро кўргазмада иштирок этаётган "Realtex Tashkent" корхонаси ҳам туркиялик Айҳан Булат билан 5 йиллик шартнома имзолаган. Тўқимачилик соҳасида 30 йиллик тажрибага эга мутахассис, асосан, матога гул босиш ва ишлов бериш жараёнига масъул. Қолаверса, ўз ишини корхона ходимларига ўргатади.

— Ҳозир дунё тўқимачилик саноатида органик маҳсулотга талаб юқори, — дейди туркиялик мутахассис. — Яъни биологик тоза тўқимачилик маҳсулотлари жаҳон бозорида анча қадрланиб, нархи ҳам юқори туради. Аммо бундай маҳсулот етиштириш осон жараён эмас, пахтани экишдан тортиб, маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўладиган барча жараёнда биологик тозаликка эътибор бериш зарур. Ўзбекистонда пахта етиштириш имконияти жуда кенг. Авваллари мамлакат пахтани фақат хомашё сифатида сотган. Ҳозир уни тўлиқ тайёр маҳсулотга айлантирмоқда ва бу жуда ижобий ҳолат. Энди органик пахта етиштириш ва органик тўқимачиликни ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим. Мен ҳамкорлик қилаётган кластер корхоналари билан айнан мана шу ишларни бошлаш арафасидамиз.

Кўргазма доирасида тўқимачилик саноатининг хорижлик ва маҳаллий вакиллари шу каби масалаларда ўзаро фикр алмашиб, янги технологиялар, илғор усуллар хусусида тажриба алмашмоқда. Бу Халқаро Тошкент тўқимачилик ҳафталигининг бир қисми, холос. Йирик тадбир доирасида тренинглар, бизнес ва пресс-турлар, шунингдек, икки томонлама учрашувлар бўлиб ўтади. Уларда жаҳон тўқимачилик саноати тенденциялари, инновациялар ва ишлаб чиқаришдаги янгиликлар ҳақида сўз боради. Ушбу кенг мулоқот майдонида янги ҳамкорлик битимлари, йирик лойиҳалар имзоланиши кутилмоқда.

**Ирода ТОШМАТОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

# Миллий ғоя миллат учун ҳаёт масаласи

## У авлодларнинг орзу-умидлари ва келажакдаги имкониятлари, манфаатлари, мақсадларини ўзида акс эттиради



**Шуҳрат ҒОЙИБНАЗАРОВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор**

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистонда илм-фан, технологиялар ривожи қаторида халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш, миллий урф-одатлар, қадриятларни улуғлаш, ёшларнинг таълим-тарбияси, одоб-ахлоқ масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Халқимиз, хусусан, ёшларнинг маънавий-маърифий дунёқарашини шакллантиришда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримизни тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ёшларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларга соғлом фикр ва мотивация беришга қаратилган контентлар кўпаяётгани, хориждаги ёшларимизга кўмак бериш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

Аҳолининг маънавий дунёқарашини шакллантириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш давлатнинг устувор сиёсати, даврнинг долзарб талаби бўлиб қолмоқда. Етишиб келаётган ёш авлодга Ватан, оила, тинчлик, осойишталик буюк неъмат эканини англатиш, ушбу неъматларни қадрлаш, ҳимоялаш туйғуларини сингдириш бугунги кунда жамиятимиз олдида турган улкан вазифалардан.

Глобаллашув шиддати даврида тараққиётга тарихдан сабоқ чиқарган ҳолда етиш масаласи долзарблашмоқда. Бугун дунё тараққиёти локомотивига айланган давлатлар мисолида бунга далиллар топилади.

Хусусан, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Япония бутунлай вайрон этилган эди. Миллат оғир дамда бирлашиб, мамлакатни тиклади, ёшлар таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратилиб, ота-оналар ўз фарзандларини хориждаги университетларда ўқитишга интилди ва бугунги кундаги юксалишнинг асосий омили — таълим, фан, технологиялар ривожи ҳисобига дунёнинг етакчи мамлакатлари сафидан ўрин олди.

Жанубий Корея миллий ғояси ўтган асрнинг 60-йилларида генерал Пак Чжон Хи раҳбарлиги пайтида шаклланди. Ёш олим ва тадбиркорлар иштирокида миллий юксалишнинг еттита устувор йўналиши орасида таълим соҳаси ҳам бўлиб, уни молиялаштириш, фан ва корейс миллий маданият институтлари ривожига муҳим эътибор берилди. Давлатнинг тарғибот қудрати халқ онгига миллий уйғониш ғоясини сингдиришга қаратилди.

Қадим тарихий-маданий омиллар, ютуқлар ва оғир синовлар Хитой халқларини бирлаштириб, азалий орзу — мамлакатни юксалтириш умуммиллий ғоясини шакллантириш имконини берди.

Бундан ўн йил муқаддам, яъни 2013 йилда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Хитой орзуси — мамлакат юксалиши, миллат яшариши ва халқ бахти ғояси барча мамлакатлардаги инсонларга ҳам яқиндир, дея таъкидлаган эди. Ўшанда Хитой миллий ғояси Ғарб цивилизациясига муқобил бўлган, минг йиллар давомида анъанавий асосга эга кучли ва юксалаётган жамият қуриш экани эълон қилинганди.

Шу миллий ғоя бутун халқ ҳаёти асоси бўлиб, олдинги ва ҳозирги авлодларнинг умуммиллий ғоясини шакллантириш имконини берди. "Халққа хизмат қиламиз" шиори ҳануз ўз таъсир кучига эга.

Хитой тараққиётида **Буюк ипак йўли ғояси** сингдирилган **"Бир макон, бир йўл" ташаббуси** муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2023 йил 19 май куни Хитойнинг Сиань шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё — Хитой биринчи саммитидаги нутқида **"Йирик илмий, маданий ва иқтисодий марказ бўлган бу шаҳар кўп асрлар давомида бутун Евроосиё қитъасида цивилизацион ривожланиш, ўзаро боғлиқлик ва тараққиётга муносиб ҳисса қўшган Буюк ипак йўлига тамал тоши қўйилган қутлуғ маскандир.**

**"Бир макон, бир йўл" ташаббусига ўн йил тўладиган мазкур йилда айнан мана шу жойда — Шарқда шуҳрат қозонган Чанъанда биз ушбу эзгу анъаналарни тиклаб, мамлакатларимизнинг янги даврдаги умумий равнақи учун мустаҳкам пойдевор қўяётганимиздан мамнунман,"** дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, неча минг йил илгари Буюк ипак йўли Хитойнинг шарқий нуқтаси бўлган Сиань шаҳридан бошланиб, Марказий Осиё мамлакатлари савдо-сотиқ, иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий алоқалар ривожланган тарих карвонига йўлбошчилик қилган. Айниқса, Ўзбекистон замини цивилизациялар ривожланиши ва буюк ғоялар алмашинувида муҳим роль ўйнаган.

Бу тарихий анъанани давом эттириш ва янги истиқболлар очиш жуда муҳим аҳамиятга эга бўлишини эътироф этган Хитой Раиси саммитдаги нутқида Марказий Осиё давлатлари билан яшил инновацияларни илгари суриш, мелиорация, тежамкор сув ирригацияси, тупроқшунослик бўйича қўшма лаборатория яратиш, Оролбўйи экологик инқирозини юмшатиш, Марказий Осиёда юқори технологик корхоналар ва саноат парклари ни ташкил этишни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратди.

"Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида технологияларни барқарор ривожлантириш, инновациялар ва тадбиркорлик, космик ахборот технологиялари соҳаларида мақсадли ҳамкорлик қилиш, Марказий Осиё давлатларида камбағалликни тугатиш бўйича мақсадли Хитой — Марказий Осиё дастури, техник малака ошириш дастури, янги иш ўринлари яратиш каби янги истиқболли модернизация лойиҳаларини амалга ошириш белгиланди.

Шунингдек, муқобил энергетикани ривожлантириш бўйича қуёш, шамол ва сув электр станцияларини барпо этиш, қуёш панеллари, электр ускуналар, трансформаторлар, аккумуляторлар ишлаб чиқариш, бошқарув жараёларини рақамлаштириш ва мутахассислар тайёрлаш борасидаги лойиҳалардан иборат инвестициявий-технологик ҳамкорлик дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиши, янги авлод машиналарини ишлаб чиқариш соҳасидаги кооперацияни кенгайтириш — электр ва гибрид двигателли автотранспорт воситалари йиғиладиган замонавий заводларни ишга туширишга келишилди. Мис, литий, нодир металларни чуқур қайта ишлаш асосида электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи юқори технологик кластер барпо этиш,





пластмассалар, кимёвий маҳсулотлар, металл буюмлар, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, биотехнологиялар кластери ташкил этиш, шунингдек, икки мамлакат ҳудудларининг ҳамкорлигини амалга ошириш мақсадида Сирдарё вилоятини "Илғор технологиялар ҳудуди"га айлантириш каби муҳим чора-тадбирлар белгиланди.



Ушбу ва бошқа кенг қамровли лойиҳа ва режалар айнан рақамлаштириш соҳасининг трансформацияси асосида замонавий технологияларнинг кенг қўлланиши орқали бажарилади. Демак, ушбу замонавий технологияларда ишлайдиган кўплаб мутахассисларга катта эҳтиёж мавжуд. Президентимиз ташаббуси бўйича юртимизда бир миллион дастурчи тайёрлашнинг биринчи босқичи муваффақиятли амалга оширилди. Кейинги босқичлари ҳам бошланди, келгусида ушбу дастурчи-ёшлар соҳалари бўйича иш ўринларига эга бўлади.

Шундай экан, жамиятимизни муштарак мақсад йўлида бирлаштирадиган янги Ўзбекистоннинг янги миллий ғояси асосини айнан замонавий илм-фан, таълим ва технологиялар ташкил этаётгани муҳим.

Мамлакатимизнинг таниқли олимлари, зиёли вакиллари бу ғоя юзасидан холисона муносабатлари ва мулоҳазаларини билдирмоқда. Хусусан, Самарқанд давлат университетида жорий йил 15 май куни "Миллий ғоя миллат учун ҳаёт масаласи" мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди, бошқа университет ва ташкилотларда ҳам шундай тадбирлар ташкил этилмоқда.

Қайд этиш жоизки, бугун илгари сурилаётган миллий ғоя асоси сифатли таълим ва самарали илм-фанга қурилаётгани бежиз эмас. Бу жараён сифатли таълим бериш, миллатнинг қадим даҳосини тиклаш билан амалга оширилади. Бунга жамиятда инсоннинг илм олиши учун барча шароитни яратиб бериш, маърифатли давлат сиёсати юритиш, бола онгу шуурига гўдаклигиданоқ зиё олиб кириш ёрдамида эришилади. Маърифатли миллат, озод халқгина миллий ғоя ҳақида ўйлайди. Уни яратиш устида бош қотиради. Унинг учун миллий ғоя муқаддас туйғуга айланади. Демак, миллий ғоянинг негизида сифатли таълим, самарали илм, миллий манфаатлар мужассам бўлиши шарт.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессансни бунёд қилиш, эркин ва фаровон жамият қуриш йўлида белгилаб олган улкан мақсадларга қанчалик тез эришишимиз миллатнинг билим ва тафаккури, салоҳиятига боғлиқ.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ўтган йили Тошкент шаҳрида ўтказилган Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича бутунжаҳон конференциясида ҳам бу борадаги ислоҳотларимиз юксак эътироф этилди.

Бу эътирофнинг амалий давоми сифатида 10-24 май кунлари Париж шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 216-сессиясида Ўзбекистон ташаббуси билан "Тошкент декларацияси бажарилиши бўйича бундан кейинги саъй-ҳаракатлар ҳамда ёш болалар тарбияси ва таълимини ўзгартириш чораларини кўриш бўйича мажбуриятлар" резолюцияси бир овоздан маъқулланди.

Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича қабул қилинган мазкур ҳужжатнинг асосий тамойиллари ўқув дастурлари сифатини ошириш, инклюзив таълим ва фавқулодда вазиятларда таълим олиш ҳуқуқини кафолатлаш кабилардан иборат.

Дунёнинг 55 мамлакати "Тошкент декларацияси бажарилиши бўйича бундан кейинги саъй-ҳаракатлар ҳамда ёш болалар тарбияси ва таълимини ўзгартириш чораларини кўриш бўйича мажбуриятлар" резолюцияси ҳаммуаллифи бўлгани ҳам унинг аҳамиятини янада оширади.

Ушбу ҳужжатнинг бажарилиши бўйича бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. Жумладан, Тошкент декларацияси бажарилишини кузатиб бориш мақсадида аъзо давлатлар зиммасига олган мажбуриятлар бажарилиши юзасидан мониторинг ва ҳисобдорликни амалга ошириш вазифаси қўйилган. Шунингдек, Тошкент декларацияси қоидаларини ҳисобга олган ҳолда унинг бандларини янгилаш йўли билан ёш болаларни тарбиялаш ва ўқитиш соҳасида шериклик глобал стратегияси механизмини фаоллаштириш, ёш болаларни тарбиялаш ва ўқитиш бўйича мавзуга доир халқаро ва минтақавий учрашувлар ўтказиш белгиланган.

Маълумки, глобаллашув шароитида турли таҳдид ва хавфлар тараққиётга, тинчлик ва хавфсизликка, иқлим, озиқ-овқат билан таъминлашга оид муаммоларни тобора кескинлаштирмоқда. Бундай ғоят мураккаб ва таҳликали даврда илмли, яхши тарбия кўрган, маънан ва жисмоний соғлом баркамол инсонгина мавжуд муаммоларга қарши тура олади. Ёш авлод иқлимнинг кескин ўзгаришидан сунъий интеллект таъсиригача бўлган қийин муаммоларга дуч келганда кучли билими, қадрият ва кўникмаларга эга бўлмаса, рақобатда бой беради.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, жаҳоннинг етакчи ривожланган мамлакатларининг миллий ғоялари негизини айнан замонавий илм-фан, таълим технологиялари асосида интеллектуал юксалиши ташкил этмоқда.

Шундай экан, энг яхши сармоя таълим соҳасига қилинган сармоядир. Тўғри, у дарров натижа бермайди, фақат изчил ва сифат ўзгариши туфайли ижобий ўзгариш бўлади. Агар биз жамиятимизни ўзгартирмоқчи бўлсак, энг аввало, таълим сифатини ўзгартиришимиз керак.

Жаҳон тажрибасидан кўринадики, ҳар бир мамлакатнинг миллий ғояси билан бирга миллий шиорлари ҳам бўлади. Биз "Ўзбекистон — Марказий Осиё маркази" шиорини таклиф этамиз ва уни қуйидаги омиллар билан изоҳлаймиз.

Аҳамиятли жиҳат — Ўзбекистон Марказий Осиёда муҳим геосиёсий ва геостратегик ўринга эга. Мамлакатимиз ҳудуди, қадимий тарихи, маданияти билан жаҳон цивилизацияси марказларидан бири сифатида танилиб келади.

Ўлкамиз 3000 йиллик тарих давомида Марказий Осиёнинг илм-фан ва таълим маркази бўлиб келган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Қўқон, Термиз ва бошқа тарихий шаҳарларимиздаги мадрасаларда илм зиёсига ташна кишилар яқин-йироқ юртлардан келиб таҳсил олган.

Ўзбекистон замини буюк уйғониш даврига — Биринчи (маърифий — IX-XII асрлар) ва Иккинчи (Темурийлар — XIV-XV асрлар) Ренессансга бешик бўлган.

Тарихан кўп миллатли буюк халқ бўлиб бирлашганмиз (130 дан зиёд миллат ва элатдан иборат, турли диний конфессиялар ва барқарор диний, миллий толерантлик анъаналарига эгамиз). Шу билан бирга, Марказий Осиёда энг кўп сонли аҳолиси бор давлатмиз.

> **ЎЛКАМИЗ 3000 ЙИЛЛИК ТАРИХ ДАВОМИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ БЎЛИБ КЕЛГАН. САМАРҚАНД, БУХОРО, ХИВА, ТОШКЕНТ, ШАҲРИСАБЗ, ҚЎҚОН, ТЕРМИЗ ВА БОШҚА ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИМИЗДАГИ МАДРАСАЛАРДА ИЛМ ЗИЁСИГА ТАШНА КИШИЛАР ЯҚИН-ЙИРОҚ ЮРТЛАРДАН КЕЛИБ ТАҲСИЛ ОЛГАН.**

Яқин йилларда нуфусимиз 40 миллионга етиши кутилмоқда. Халқимизнинг катта қисмини ёшлар ташкил этиши эса Ўзбекистоннинг замонавий барқарор тараққиётидан мужда беради. 10 мингдан зиёд умумтаълим, жумладан, Президент, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари борлиги, 200 дан зиёд олий таълим муассасаси фаолият юритаётгани, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга қодир олимлар ва зиёлилар, иқтидорли ёшлар мамлакати эканимиз ҳам юртимизнинг Марказий Осиёда салоҳияти юксаклигини белгилаб берувчи омиллардандир.

Президентимиз янги Ўзбекистон шароитида Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш эзгу мақсадини эълон қилди. "Буюк келажак бугундан бошланади" деган даъват билан ўтган қисқа даврда мутлақо янгича кўринишдаги Ўзбекистон пайдо бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг "Халқимиз келажакда эмас, бугун ҳам яхши яшаши керак" деган мақсади билан Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегиясига ўтилди. Энг муҳими, бу йўлдаги мақсад ва вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституциясида илм, фан, таълим юксалишига оид ҳуқуқий асослар яратилганки, бу ҳам юксак салоҳиятли халқимиз, жумладан, ёшларимизда етакчилик хусусияти шаклланишига замин яратади.

Миллий ғоямиз асоси сифатида билдирилган ушбу таклиф ва фикрлар янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасидаги ғоя ва ташаббусларга ҳамоҳанг бўлиб, авлодларнинг орзу-умидлари ва келажакдаги имкониятлари, манфаатлари, мақсадларини ўзида акс эттиради.




БУГУННИНГ ГАПИ

# “Яшил” лойиҳалар ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗДА 400 ДАН ОРТИҚ КАТТАЮ КИЧИК ДАРЁ БОР. УЛАРНИНГ УМУМИЙ УЗУНЛИГИ 12,7 МИНГ КИЛОМЕТРНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. АСОСАН, МАЗКУР СУВ ОҚИМЛАРИГА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ ҚУРИШ ОРҚАЛИ “ЯШИЛ” ЭНЕРГИЯ ҲОСИЛ ҚИЛИНАДИ**

Бошланиши 1-бетда

Мутахассислар таҳлилича, минтақамизда сув танқислиги билан боғлиқ вазият йилдан-йилга мураккаблашиб боряпти. Марказий Осиёда сувнинг 90 фоизи қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сарфланади. 2030 йилга бориб минтақа аҳолисининг 74,6 миллионга етиши, орадан яна йигирма йил ўтиб 90 миллиондан ортиши сув, энергия ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни кескин оширади. Айни пайтда иқлим ўзгаришлари ҳам сув ресурсларига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Тоғлардаги музликларнинг эриши оқибатида 2050 йилга келиб Амударё ва Сирдарёдаги сув ҳажми 10-30 фоизга камайиши кутиляпти. Бу, ўз навбатида, сувдан самарали фойдаланишни, унга катта эътибор қаратиш ва эъзозлашни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда йиллик электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий қувватининг 15 фоизи ГЭСлар улушига тўғри келмоқда. Улар орқали электр энергияси ишлаб чиқариш бир қатор омиллар, жумладан, ўртача йиллик сув оқими, деривацион канал сув сарфи, энг юқори ва энг паст ҳарорат, ёғингарчиликлар билан узвий боғлиқ. Афсуски, айни пайтда ҳам иқлим ўзгариши ва табиий ресурсларни (қор ва ёмғир ёғиши) башорат қилишда ноаниқликлар мавжуд. Бу гидроэнергетика тармоғида барқарор электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини режалаштиришда муайян қийинчиликлар туғдиради.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раиси Абдуғани САНГИНОВ билан суҳбатимиз ҳам “яшил” энергия ҳосил қилишда юртимиздаги дарё ва гидроиншоотларнинг аҳамияти, тармоқни ривожлантириш дастури ҳамда унинг ижросини таъминлашдан кутилаётган натижалар хусусида бўлди.

**— Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти экспертларининг ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, бошқа омилларга қараганда, йиллик ўртача сув оқими электр энергиясини ишлаб чиқаришни башорат қилишда энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Яъни электр энергияси ҳосил қилиш ҳажмини аниқроқ режалаштириш бевосита сув оқимига боғлиқ. Шундай экан, бундай таҳлил ва хулосалар гидроиншоотлар қуриш лойиҳасини амалга оширишда қандай аҳамиятга эга?**

— Мамлакатимизда 400 дан ортиқ каттаю кичик дарё бор. Уларнинг умумий узунлиги 12,7 минг километрни ташкил этади. Асосан, мазкур сув оқимларига гидроэлектр станциялари қуриш орқали “яшил” энергия ҳосил қилинади. Юртимизнинг ўрганилган йиллик гидроэнергетика салоҳияти 27,5 миллиард киловатт-соатга баҳоланади. Айни пайтда унинг 50 фоизга яқинидан фойдаланиляпти.

Сув таъминотида йирик дарёлар билан бир қаторда, кичикларининг ҳам аҳамияти катта. Лекин бу ҳар қандай кичик дарёда ихчам ГЭС қуриш мумкин, дегани эмас. Бунинг учун сув йил бўйи барқарор оқиб туриши зарур. Аксинча, баҳорда тошиб, ёз келиши билан қуриб қолса, бундай дарёда электр станцияси қуриб бўлмайди, сарфланган сармоя ҳавога учади.

Микро ГЭСлар халқаро стандартларга кўра, асосан қуввати 0,1 дан 100 киловаттгача бўлган гидроэнергетик қурилмалар бўлиб, улар сувнинг тез оқими ва босими туфайли қувват ҳосил қилади. Сув қанча тез ва барқарор оқса, шунча кўп электр қуввати ишлаб чиқаради. Қурилиш жараёнида, фойдаланиш даврида табиий ландшафт ҳамда атроф-муҳитни бузмайди, сув сифатига салбий таъсир кўрсатмайди, асл табиий хусусиятини йўқотмайди. Шу боис, улар ҳар жиҳатдан фойдали ва нисбатан арзон электр энергияси ҳосил қилишда қўл келади. Бу эса юртимизнинг турли, айниқса, тоғли ҳудудларида янги ГЭСлар қуриш учун қулай шароит яратади.

**— Албатта, “яшил” энергия ҳосил қилишда ГЭСлар муҳим ўрин тутади. Лекин юқорида қайд этилганидек, иқлим ўзгаришлари туфайли музликлар эриб, дарёлар суви камайиб боряпти. Шундай бир ҳолатда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан ишлаб чиқариладиган энергия қуввати йил сайин ошиб бориши зарур. Хусусан, Президентимизнинг 2023 йил 30 мартдаги “Гидроэнергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида яқин истиқболда тармоқнинг умумий қувватини 4999 МВтга етказиш вазифаси қўйилган. Бу мақсадга эришишда қандай инновацион лойиҳа, тажриба ва технологиялардан фойдаланиш қўл келади?**



— 2017 йил майида “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ташкил этилган пайтда унинг таркибига 36 та гидроэлектр станциясидан иборат 15 та унитар корхона кирган. Ушбу ГЭСларнинг жами қуввати 1 минг 754 мегаваттга тенг бўлган. Ўтган йиллар давомида 40 га яқин лойиҳа амалга оширилди. “Ўзбекгидроэнерго” тизимидаги станцияларнинг йиллик умумий қуввати 2 минг мегаваттдан ошиб, 2 миллиард метр куб табиий газ тежалишига эришиляпти.

Президентимизнинг 2021 йил 10 декабрдаги “Гидроэнергетикани янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида хусусий сектор иштирокида амалга оширилиши режалаштирилган, умумий қуввати 120 мегаватт, йиллик ишлаб чиқариши 465 миллион киловатт-соат бўлган 250 та микро ГЭС лойиҳаси рўйхати шакллантирилди. Бу жараёнда ҳам уларнинг географик жойлашуви, сув оқимларининг барқарорлиги каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Айни пайтга қадар 50 дан ортиқ лойиҳа паспорти, ер майдонлари топотасвирга туширилиб, контурлари аниқланди. Уларнинг 17 таси бўйича тадбиркорларга тақдим этиш учун ишчи ҳужжатлар ишлаб чиқилди, 14 таси юзасидан ер майдонлари маҳаллий идоралар билан келишилиб, “E-AUKSION” электрон платформасида савдоларга қўйилди.

Жорий йилда яна 50 та микро ГЭС бўйича лойиҳа ташаббускорлари аниқланади. Яна шунча гидроиншоот бўйича ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, электрон аукционга қўйиш устида иш кетяпти. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан тадбиркорларга бепул бизнес-режа ишлаб чиқиш, мақбул техник ечимларни танлаш ва лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиб келиняпти. Бу лойиҳаларни амалга ошириш ташаббусини билдирган 20 га яқин тадбиркор ҳозирги кунда ихчам ГЭСлар қурилишини бошлаб юборди. Яқин истиқболда умумий қуввати 56 мегаваттни ташкил этадиган кичик гидроиншоотлар асосида йилига 180 минг киловатт-соат электр ишлаб чиқарилиши мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган 2023 йил 30 мартдаги қарорида белгиланган вазифалар кўлами янада кенг. Унга мувофиқ, 2023-2030 йилларга мўлжалланган гидроэнергетикани янада ривожлантириш дастури тасдиқланди. Мазкур дастурга қўшимча истиқболли лойиҳалар киритилиши ҳисобига 2030 йилга келиб, ҳосил қилиниши белгиланган 3 минг 416 мегаватт электр қуввати ҳажми қарийб 5 минг мегаваттга етказилади.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан қўшимча 2 минг 311 мегаватт қувватлар яратилади, шундан ГЭСларни қуриш ва мавжудларини модернизация қилишга қаратилган 44 та инвестициявий лойиҳани амалга ошириш эвазига умумий ҳажми 2 минг 207 мегаваттга тенг бўлган қўшимча қувватлар барпо этилади ҳамда хусусий инвесторлар иштирокида 615 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади.

Ҳудудлар кесимида олганда, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида умумий қуввати 876 мегаватт бўлган Юқори Псcom, Қоронғитўғай, Толдиқсой ГЭСлари, Ойгаин гидроэлектростанциялари каскади ҳамда Юқори Псков гидротўплаш электр станцияси, Наманган вилояти Норин дарёсида умумий қуввати 225 мегаватт бўлган Норин, Сурхондарё вилояти Сариосиё туманида умумий қуввати 264 мегаваттлик Юқори Тўполанг ГЭСлар каскадини қуриш мўлжалланмоқда.

Ҳужжатга асосан, 2023-2030 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш ва гидросалоҳиятдан фойдаланиш даражасини оширишнинг янгиланган мақсадли кўрсаткичлари белгилаб берилди. Унда, шунингдек, республиканинг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига киритилган ва 2023-2027 йилларда амалга ошириладиган умумий қуввати 748,5 мегаватт бўлган 9 та, 2024-2030 йилларда мавжуд гидросалоҳиятдан фойдаланиш даражасини ошириш, гидроэлектростанцияларнинг янги қувватларини яратиш ва мавжудларини модернизация қилишга қаратилган 47 та инвестициявий лойиҳа, кичик гидроэлектростанциялар қуриш ва улардан фойдаланишда зарур бўлган ҳамда 2023–2025 йилларда кооперация асосида маҳаллийлаштириш учун таклиф этилаётган асбоб-ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларнинг рўйхати ҳам тасдиқланди.






2023 йилда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан қуввати 196,8 мегаватт бўлган 7 та лойиҳа ишга туширилади. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 556,2 миллион киловатт-соат бўлган мазкур лойиҳалар ижроси таъминланиши натижасида 190 та янги иш ўрни яратилади. Қурилиш даврида эса 8 минг 950 нафар юртдошимиз иш билан таъминланади. Самарқанд вилоятида 2 та ГЭС, яъни 7,2 мегаваттли “Шаудар”, 6,4 мегаваттли кичик ГЭС, Тошкент вилоятида “Испайсой” ва 2,5 мегаваттли “Оҳангарон” мини ГЭСлари, Фарғона вилоятида 2 мегаваттли “Шоҳимардон”, Қашқадарё вилоятида 3,5 мегаваттли “Ҳисорак” мини ГЭСлари электр қуввати бера бошлайди.

Яна бир эътиборли томони, 2023 йилда қуввати 26 мегаватт бўлган 34 та лойиҳа ишга туширилади. Шундан 22 таси сув босимида ишловчи микро ГЭСлар бўлса, қолгани сув юзасида сузиб турувчи “кинетик” агрегатлардир. Бунинг натижасида 47,6 миллион метр куб табиий газ иқтисод қилинади, 48 минг 600 хонадон электр энергияси билан таъминланади ва 106 та янги иш ўрни яратилади.

Олим-мутахассисларнинг иқлим ўзгаришлари ва дарё сувларининг камайишига доир илмий хулосаларини кузатиб, таҳлил қилиб борамиз. Бу жараёнлар фаолиятимиз билан чамбарчас боғлиқ. Лекин халқимизнинг қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деган нақлини ҳам унутмаслик керак. Кейинги йилларда олиб борилган илмий-амалий изланишлар натижасида ГЭСлар қуришда ўзига хос тажриба вужудга келди. Бу бир оқимдан кўп марта фойдаланиш орқали электр қуввати ҳосил қилиш технологияси. Бунинг амалий мисолини ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятидаги Тўполанг дарёсида кўриш мумкин.

Маълумки, яқин пайтга қадар дарё суви махсус босим остида “Тўполанг” ГЭСига йўллаб келинган. Бу иншоотда жорий йилда янги иккита агрегат ишга тушиши билан унинг мавжуд қуввати қарийб олти баробар оширилиб, 175 мегаваттга етказилди. Бу ердаги тўртта агрегатни айлантираётган сув оқими мазкур иншоотнинг қуйи қисмида бундан икки йил олдин қурилган, бири биридан унча узоқ бўлмаган “Зарчоб-1” ва “Зарчоб-2” кичик гидроэлектр станцияларидаги қурилмаларга ҳам қувват ато этяпти. Айни пайтда ундан пастроқда “Зарчоб-3” кичик ГЭСини барпо этиш ишлари олиб бориляпти.

Дарёнинг табиий гидроэнергетик салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида унинг юқори қисмида 20 та лойиҳа асосида умумий қуввати 264 мегаватт бўлган Юқори Тўполанг ГЭСлари каскади бунёд этилиши режалаштирилган. Бунда хусусий сектор томонидан амалга ошириладиган микро ГЭСларни қуришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Содда қилиб айтганда, бир оқим бўйича юқоридан пастга ҳаракатланаётган сув сарфидан қайта-қайта унумли фойдаланган ҳолда, кўп миқдорда экологик тоза энергия ҳосил қилишга эришилади. Худди шу тажрибадан Тошкент вилоятидаги дарёларда қурилаётган ГЭСларда ҳам фойдаланилмоқда. Масалан, узунлиги 73 километр бўлган Псков дарёсида бешта гидростанция қурилиши мўлжалланган. Уларнинг умумий қуввати 1 минг 320 мегаватт ва йиллик ўртача ишлаб чиқариш салоҳияти 3 миллион 140 миллион киловатт-соат бўлиши кўзда тутилган.

Бошқа инновацион имкониятларни ишга солишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналиш ГЭСлар ва сув омборларига ёндош ҳудудларда умумий қуввати 100 мегаватт бўлган шамол ҳамда қуёш электр станцияларини қуриш, сув юзасида сузиб турувчи кинетик турбинали агрегатларни ўрнатиш назарда тутилган умумий қуввати 4,2 мегаваттлик пилот лойиҳаларни қамраб олган. Уларни амалга оширишга доир ўрганишлар ижобий натижа берди. Шу боис, 2023 йил якунига қадар ГЭС ва сув омборлари ҳудудларида қуввати 10 мегаватт бўлган қуёш электр қувватларини ишга тушириш орқали “гибрид станциялар” барпо этилади. Шу билан бирга, жорий йилда жами 60 та, шундан жамиятимиз томонидан 22 та сув босими билан ишловчи ва 12 та сув юзасида сузиб турувчи кинетик турбинали қурилма, хусусий сектор томонидан 16 та сув босими билан ишловчи агрегат ва 10 та чархпалак типидаги “иншоот” ишга туширилади.

Қарорда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда жамиятимиз давлат шериги сифатида ёки хусусий инвестор билан ҳамкорликда иштирок этиши мумкинлиги белгиланди. Яъни жамиятимиз ДХШ лойиҳаларида давлат шериги сифатида иштирок этиши учун қонуний асос яратилди.

Дастурга мувофиқ, 2030 йилга келиб, соҳада давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жорий этилган лойиҳаларнинг қувватини 445 мегаваттга етказиш ҳамда бу мақсадлар учун 831 миллион доллар хорижий инвестиция жалб этилиши борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу умумий қуввати 46 мегаватт бўлган 5 та ГЭСни ишга туширишни назарда тутади.

**— Дастурда белгиланган вазифаларнинг қамрови кенг. Соҳада маҳаллийлаштириш жараёнлари қандай кечяпти?**

— Юртимизда гидроэнергетика соҳаси, хусусан, микро ва кичик ГЭСларни кенг кўламли қуриш ва зарур ускуналарни маҳаллийлаштириш борасида бурилиш даври бошланяпти. Хитой Халқ Республикасининг ушбу соҳада юқори тажрибага эга бўлган “Zhejiang Jinlun Electromechanic” ва Ҳиндистоннинг “MACLEC technical project laboratory” компаниялари билан ҳамкорликда мамлакатимизда қуввати 2 мегаваттдан 15 мегаваттгача бўлган гидроагрегатларни ишлаб чиқариш ишларига киришилди. Режага мувофиқ, мазкур ишлар икки босқичда амалга оширилиши назарда тутилган. Жамият тизимидаги корхоналар ишлаб чиқариш базасида 2024 йил 1 январга қадар қуввати 1 мегаваттгача бўлган, 2025 йил 1 январгача эса қуввати 15 мегаваттгача бўлган гидроагрегатларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Ҳамкорликдаги лойиҳалар минтақа мамлакатлари ичида илк бор Ўзбекистонда амалга оширилмоқда. Мазкур турбина ва гидроагрегатлар ўзбек миллий бренди — “Made in Uzbekistan” номи остида тайёрланиб, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон ва бошқа давлатлар бозорига ҳам таклиф этилади.

Айтиш жоиз, ушбу ҳамкорлик доирасида илк бор юқори инновацион технологик қурилмаларнинг ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилмоқда. Уларни маҳаллийлаштириш молиявий сарф-харажатларни иқтисод қилиш, сифатли ва замонавий стандартларга асосланган агрегатлар ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш, ўнлаб янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади

Яна бир муҳим томони, бу борада ўз хизматларини таклиф этаётган корхоналарга бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 9 сентябрдаги “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига биноан, асосий фаолияти қуёш ва шамол электр станциялари ҳамда кичик гидроэлектр станциялари қурилмаларини ишлаб чиқариш бўлган, шу жумладан, 2025 йил 1 сентябрга қадар янги ташкил этиладиган юридик шахслар тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб уч йил давомида фойда ҳамда мол-мулк солиғини белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида тўлаши кафолатланган. 2022 йил 1 октябрдан бошлаб қуввати 5 мегаваттгача бўлган гидроэлектр станцияларда ишлаб чиқарилган “яшил” қувват “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ва давлат харид қилиш ваколатини берган бошқа органлар томонидан кафолатланган тарзда сотиб олинади.

Умуман олганда, қуёш ва шамол электр станциялари ўрнатгани учун аҳоли ва тадбиркорларга қандай имтиёзлар кўзда тутилган бўлса, кичик гидростанциялар учун ҳам шундай имтиёз ва субсидиялар қўлланилади. Жумладан, ГЭСлар учун ускуна сотиб олиш харажатларининг 30 фоизи компенсация қилинади. Кредитлар бўйича фоиз харажатларининг қайта молиялаш ставкасидан ошган қисми қопланади. Шунингдек, микро ва мини ГЭСлар томонидан ишлаб чиқарилган электр қуввати юридик шахслар учун тарифнинг 80 фоизи нархида харид қилинади.

**— Халқаро сифат кафолати, корпоратив бошқарув тизимининг замонавий тамойиллари дунёнинг ҳар қандай инвестори учун инвестиция эшикларини очади. Акциядорлик жамияти бу йўналишларда қандай тадбирлар устида иш олиб бормоқда?**

— Жамиятимизнинг молиявий барқарорлиги ва инвестицион жозибадорлигини аниқлаш мақсадида 2020 йил июнь ойида жаҳонга машҳур, халқаро бозорда Ўзбекистоннинг евробондларини жойлаштиришга ҳисса қўшиб келаётган “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги билан шартнома имзоланди. Агентлик томонидан жамиятнинг нафақат молиявий-иқтисодий ҳолати ўрганилди, балки унинг корпоратив бошқарув тизими, бизнес стратегияси, ички норматив ҳужжатларнинг юритилиши ва бошқа йўналишлар чуқур таҳлил қилинди. Бунинг натижасида “Ўзбекгидроэнерго” АЖ республикамизда ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида биринчилардан бўлиб “Fitch Ratings” халқаро кредит рейтингининг “B+” (барқарор) даражасига сазовор бўлди. Кейинги йилда эса, бу кўрсаткич “BB-”га кўтарилди.

Бу рейтинг “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг иқтисодий барқарорлигини янада оширишга хизмат қилади, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда хорижий кредитларни давлат кафолатисиз тўғридан-тўғри жалб қилиш, ўз евробондларини Лондон фонд биржасига жойлаштириш имкониятини беради.

Қарорда белгиланган янги тартибга мувофиқ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖда экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларини жорий этиш ҳамда 2025 йилга қадар ESG рейтингини олиш, тизимда корпоратив ва стратегик маслаҳатчи хизматини ташкил этиш, 2023 йил 1 июлдан бошлаб соҳадаги етакчи хорижий компаниялар билан “бенчмаркинг” усулида таққослаш орқали жамиятнинг операцион самарадорлигини ошириб бориш, 1 сентябрдан бошлаб эса экологик стандартларга мувофиқ ахборотларни ошкор этиш амалиётини йўлга қўйишимиз зарур.

Бундан ташқари, 2024 йил якунига қадар “Гидроэнергетика соҳасини рақамли трансформация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

**— Ўз навбатида, бу юртимизда мавжуд сув хўжалиги объектларини техник соз ҳолатда сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш ва улардан ишончли фойдаланиш учун ҳуқуқий кафолатни талаб этади.**

— Албатта, айни пайтда мамлакатимиз сув хўжалиги тизимида жами 73 та сув ва сел-сув омбори, 1 минг 688 та насос станцияси, 49 та ГЭС ва бошқа объектлар мавжуд. Аксариятидан 40 йилдан ортиқ фойдаланиб келинаётгани боис, уларни ўз вақтида таъмирлаш-тиклаш ва реконструкция қилиш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, ишончли ишлашини таъминлаш лозим.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари муҳокамасида бўлган “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар мамлакатимизда мавжуд сув хўжалиги объектларини техник соз ҳолатда сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш ва улардан ишончли фойдаланишга хизмат қилади. Унда гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари, соҳада давлат сиёсатининг устувор йўналишлари аниқ белгиланмоқда. Шунингдек, иншоотларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар билан ахборот алмашиш масалалари ҳам ўз аксини топмоқда.

Ушбу ҳужжат соҳани ривожлантириш, ажратилаётган бюджет маблағлари самарадорлигини таъминлаш, айниқса, сўнгги йилларда тизимда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар, янги иншоотлар қуриш, улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлайди. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши махсус давлат назорати органининг масъулияти ва ваколатининг оширилиши, иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш, консервация қилиш ҳамда тугатиш ишларида хавфсизлик бўйича назоратни кучайтиришда, шу жумладан, “Гидроэнергетика соҳасини рақамли трансформация қилиш” лойиҳасини амалга оширишда муҳим ўрин тутади.



**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ТАЪЛИМ

# НАЗАРИЙ БИЛИМЛАР амалиётда мустаҳкамланади



**Ўктамжон САЛОМОВ,
Фарғона политехника институти ректори, техника фанлари доктори**



### Ҳамкорликда гап кўп

Ҳамма замонларда таълим ва тарбия тараққиётнинг, ривожланишнинг асосий омили сифатида қадрлаб келинган. Чунки ҳар бир инсон ҳаётда муваффақиятга эришиши учун, аввало, юксак билим, замонавий касб-ҳунар эгаси бўлиши шарт.

Президентимиз ташаббуси билан таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, малакали мутахассислар тайёрлаш кўламини кенгайтириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, назарий билимларни амалиёт билан уйғунлаштириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, Фарғона политехника институти кейинги йилларда муҳандислик соҳасида халқаро даражада билим берадиган етакчи олий таълим муассасаларидан бирига айланди. Айни кунда институтда 600 дан зиёд юқори малакали педагоглар жамоаси шаклланган. Бу ерда таълим ва фан интеграциясини таъминлаш, илмий тадқиқот ишларини янада мустаҳкамлаш борасида тизимли ишлар олиб борилиб, ташаббуслар қўллаб-қувватланяпти. Институтда мавжуд 7 та факультетда биотиббиёт муҳандислиги, сунъий интеллект, банк иши ва аудит, йўл ҳаракатини ташкил этиш, транспорт логистикаси, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, молия ва молия технологиялари, рақамли иқтисодиёт, муқобил энергия манбалари, ахборот тизимлари ва технологиялари, телекоммуникация технологиялари, профессионал таълим каби соҳалар бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Муассасада жорий этилган ECTSга асосланган кредит-модуль тизими талабаларга ўқишнинг маълум қисмини хорижий олийгоҳларда давом эттириш ва улар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш имкониятини беради. Ҳар бир машғулот фақат назарий билимлар билан чекланиб қолмасдан, илмий тадқиқотларга асосланган тарзда олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Асосий эътибор нафақат ички, шунингдек, халқаро меҳнат бозорида ҳам талаб юқори бўлган малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган. Шу мақсадда 110 дан зиёд хорижий олий таълим муассасаси, 20 дан ортиқ халқаро ташкилот билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Нуфузли 3 та университет билан қўшма таълим дастурлари амалга оширилмоқда. АҚШ, Италия, Франция, Германия, Жанубий Корея, Япония, Россия Федерацияси, Латвия, Португалия, Миср Араб Республикаси, Буюк Британия каби давлатлардан келган салоҳиятли профессор-ўқитувчи ва мутахассислар таълим жараёнига жалб этилиб, талабаларга сабоқ бермоқда. Натижада институтда илмий ва инновацион соҳага янгиликлар олиб кириш, хорижнинг илғор иш услубларини ўрганиш, уларни миллий тажрибалар билан уйғунлаштирган ҳолда таълим тизимига жалб этиш бўйича қилинаётган амалий ишлар кенгаймоқда.

Олиб борилган изчил ислоҳотлар натижасида институт Times Higher Education халқаро рейтинг ташкилотининг The Impact Ranking йўналиши рейтингида эътироф этилиб, умумий рейтингда 1001+ поғонадан жой олди ва Ўзбекистон олий таълим муассасалари орасида нуфузли ўринларда таснифланди.

### Илмлар хазинаси

Институтда профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг дарсдан бўш вақтида мустақил ишлаши, илм-фаннинг сўнгги ютуқлари билан танишиб, уларни муваффақиятли ўзлаштиришида ахборот-ресурс марказининг ўрни муҳим. Шу сабабли, марказ фондини янги ўқув, илмий, бадиий адабиётлар билан бойитиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга энг муҳим йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда.

Айни кунда 300 мингта китоб фондига эга замонавий ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатиб келяпти. Марказ ўтган йилнинг биринчи ярмида қиймати 89 миллион сўм бўлган 285 номдаги ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар билан бойиди. Йилнинг иккинчи ярмига келиб эса 368 миллион сўмга мутахассислик фанлари бўйича 457 номдаги 881 нусха хорижий ўқув адабиёти сотиб олинди. Натижада профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг замонавий адабиётлардан фойдаланиш имконияти янада кенгайди.

Хорижий адабиётлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг ўзбек тилига таржимаси йўлга қўйилиб, ўтган йилнинг ўзида институт олимларининг ахборот-ресурс маркази билан ҳамкорлигида 33 номдаги дарслик ва ўқув қўлланма таржима қилинди.

Талабалар бўш вақтини мазмунли ўтказиши, уларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва дунёқарашини кенгайтириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида ахборот-ресурс марказига 50 номдаги 500 нусха бадиий адабиёт олиб келинди.

Марказнинг мавжуд 5 та ўқув ва электрон зали замонавий талаблар асосида жиҳозланган ва тўлиқ Wi-Fi интернет тармоғига уланган. Институтда ёш китобхонлар учун яратилган муҳим шароитлардан яна бири 280 ўринли “Renessans Hall” очиқ кутубхона фаолиятининг йўлга қўйилганидир. Мазкур кутубхонада 4 та зал бор. Булар open library — очиқ кутубхона, social area — ижтимоий майдон, trainings — тренинг ва ўқув курслари, coworking — коворкинг марказидир. Бу янги лойиҳа нафақат талаба ёшлар, балки профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг илмий-ижодий фаолиятини янгича ташкил этиш имкониятини берди. Кутубхонада талабалар ва профессор-ўқитувчилар мавжуд бадиий, илмий ҳамда ўқув адабиётларини мустақил қидириш, танлаш ва эркин фойдаланиш имконига эга. Бу, талаба ва ёшларда шахсий масъулият, китобхонлик ҳамда ахлоқий маданият ҳиссини тарбиялашга хизмат қилади. “Renessans Hall”нинг тўлиқ Wi-Fi интернет тармоғига улангани эса электрон манбаалардан осон, самарали ва бепул фойдаланиш имконини бермоқда.

“Renessans Hall” нафақат ўқув зали, айни пайтда профессор-ўқитувчилар учун талабалар билан мустақил ишлаш, турли тақдимотлар, семинар-тренинглар ташкил этиш майдони вазифасини ҳам бажаради. “Renessans Hall”дан узлуксиз фойдаланиш имкониятининг яратилгани институт ётоқхоналарида яшовчи 1500 га яқин талаба учун айни муддао бўлди. Шунингдек, “Renessans Hall”нинг



энергетика ва енгил саноат технологиялари факультетларида ташкил этилган филиаллар ҳам доимо талабалар билан гавжум.

Амалга оширилган ишлар, албатта, ўз самарасини бермоқда. Бир вақтнинг ўзида 600 нафарга яқин талабага хизмат кўрсатиш имкониятига эга ахборот-ресурс марказининг 12 мингга яқин доимий аъзоси бор. Марказ фаолиятини янада такомиллаштириш, замонавий технологияларни, электрон хизмат ва бошқарув тизимини жорий этиш мақсадида 2023 йилда кутубхонани тўлиқ реконструкция қилиш режага киритилган бўлиб, бу ишга 2 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.



Булардан кўзланган асосий мақсад ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш ва жамият учун етук мутахассислар тайёрлашдан иборат.

### Билим ва даромад манбаи

Сўнгги йилларда институтда давлат-хусусий шериклик асосида спин-офф корхоналари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратдик. Мақсад илмий изланишларни тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда фаолият натижасида олинган даромадни олий таълим муассасамиз моддий-техник базасини ривожлантиришга йўналтиришдир.

Президентимиз 2021 йил 16 июндаги видеоселектор йиғилишида ҳар бир мутахассислик кафедралари ҳузурида илмий-тадқиқот марказлари ташкил этиб, даромад топиш учун барча шароитларни яратиб бериш вазифасини қўйган эди. Институтимизда ушбу топшириқ ижросини таъминлаш учун илмий ва инновацион ишлаб чиқариш ҳамда турли соҳаларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган 17 та марказ фаолияти йўлга қўйилган.

Марказлар бир пайтнинг ўзида бир неча кафедра ва спин-офф корхоналарини қамраб олади. Натижада бир вақтнинг ўзида бир нечта кафедрадаги илмий-тадқиқот ишлари, малакавий амалиёт, стажировкалар шу марказларда олиб борилди. Марказлар таркибида 14 та спин-офф корхонаси бўлиб, институт таъсисчилигида улар асосида иккита МЧЖ фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунга қадар улар томонидан 40 та илмий лойиҳа, 547 та хўжалик шартномаси бажарилди. Жорий йилнинг ўзида давлат илмий-техник лойиҳалари ҳамда соҳа буюртмалари ва ҳомийлик асосида 24 миллиард 318 миллион сўмдан кўпроқ маблағ институт ҳисоб рақамига туширилди.

Марказ ва спин-офф корхоналарига 343 нафар талаба жалб қилинган. Улар ўз соҳаларига оид бўлган фаолият турлари билан шуғулланишлари учун технопарк ташкил этилди. Технопаркнинг механик ишлов бериш цехига 20 та замонавий дастгоҳ сотиб олинди. Бу ерда “Деталларни ишлаб чиқаришда газлантиришга асосланган инновацион қуйиш технологиясини жорий қилиш ҳамда металл маҳсулотларини ишлаб чиқариш” лойиҳаси доирасида 1 миллиард 458 миллион сўмлик металл қуйишга ихтисослашган технологик линия ишга туширилди. Оғир ва енгил саноат тизимлари фаолияти учун муҳим бўлган барча бутловчи қисмлар эндиликда шу ерда тайёрланмоқда. Амалий иш жараёнида бевосита талабалар иштирок этади. “Компьютер симуляциясини, интеллектуал асбобларга асосланган автоматлаштиришни, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология муаммоларини, шунингдек, таълим, фан ва ишлаб чиқаришда реинжинирингни ривожлантириш маркази ни ташкил этиш” лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳам янги иш ўринлари яратиш, профессор ўқитувчиларни рағбатлантириш, талаба ёшларни қўшимча иш билан таъминлашда яхши самара бермоқда.

Фақат бугина эмас. Бу ерда 240 дан ортиқ талаба амалиёт ўтамоқда, 6 та фандан лаборатория машғулоти базаси яратилди. Натижада 20 та магистр, 10 дан ортиқ докторант ўз илмий ишлари доирасида амалий тадқиқотлар олиб бориши учун ўзига хос имкониятлар яратилди.

### Янги лойиҳа ва имкониятлар

“FerPI GidroProj” муҳандислик-технологик лойиҳалаш ва экспериментал ишлаб чиқариш марказида “Қуввати 3 киловатдан 500 киловатгача бўлган янги авлод турбинали микро ГЭСларни яратиш” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шу кунга қадар лойиҳа доирасида Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги Жанубий Фарғона каналига қуввати 50 киловатгача бўлган экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқарувчи микро ГЭСнинг илк намунаси тайёрланиб, фойдаланишга топширилди.

Айни кунларда Фарғона вилояти ҳудудидан оқиб ўтувчи сой ва каналларга умумий қиймати 8 миллиард 569 миллион сўм бўлган гидроагрегат типидаги микро ГЭС каскадларини ўрнатиш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Институт инновацион жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Farpi hitech engineer” спин-офф корхонасининг 4 та лойиҳаси доирасида умумий қиймати 1 миллиард 472 миллион сўмдан зиёд хўжалик шартномалари бажарилди. “Qurilish sinov laboratoriya” илмий-тадқиқот марказини ташкил қилишга Осиё тараққиёт жамғармаси ажратган 1,5 миллиард сўмга 29 турдаги қурилиш материалларини синовдан ўтказишга ихтисослашган замонавий жиҳозлар олиб келинди. Бу биноларни қуриш, уларнинг сифатлилик даражасини тез ва ўта аниқликда ҳисоблаш имконини беради.

“Ferpi textile industry group” спин-офф корхонаси эса енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 122 миллион сўмлик лойиҳа асосида 40 нафар талаба қизни иш билан таъминлади. Корхона талабалар турар жойига яқин жойлашгани айни мудао бўлди. Улар спин-офф корхонасида дизайн, моделлаштириш, бичиш ва тикиш йўналишларида олган назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш, қўшимча даромад олиш имкониятига эга бўлмоқда.

### Қуёш панеллари — самарадорлик сари йўл

Бугун дунёда энергияга бўлган талабнинг ортиши, улар нархининг доимий ошиб бориши, шунингдек, ёқилғи-энергетик ресурсларининг камайиши ва атроф-муҳит ҳавосининг ифлосланиши туфайли экологик тоза, энергия тежамкор технологиялар ҳамда қайта тикланувчи энергиялардан фойдаланган ҳолда, яшил энергетикани ривожлантиришга эътибор кучайди. Шу мақсадда ижтимоий соҳа ва саноат соҳаларида қайта тикланувчи энергия манбалари — сув, шамол, қуёш энергияси асосида ишловчи қурилмалар ишлаб чиқариш ва фойдаланишга бўлган талаб кўпайди.

Президентимизнинг шу йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланган дастурга асосан, жорий йил давомида Фарғона политехника институти тасарруфидаги бинолар том қисмига жами 740 киловатт-соатли қуёш панеллари ўрнатиш ҳамда институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 8140 миллион сўм маблағ ажратиш режалаштирилган. Шу кунга қадар қуввати 270 киловатт-соат қуёш панеллари ўрнатилиб, ички электр тармоғига уланди. Бош ўқув биноси, механика ва машинасозлик ҳамда компьютерда лойиҳалаш тизимлари факультетлари ўқув биноси, талабалар тураржой биноларида муқобил энергиядан фойдаланиш йўлга қўйилди. Қувонарли жиҳати, замонавий қурилмаларни ўрнатиш, тизимга улаш, ишга тушириш билан боғлиқ барча жараён устоз-мураббийлар, талаба ёшлар ҳамда пудратчи корхоналар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Ўрнатилган қуёш панелларининг ўртача бир кунлик электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми 1500-1600 киловатт-соатни ташкил этади.

Ҳисоб-китобларга кўра, қуёш панеллари бир ой давомида 45000 киловатт-соатдан ортиқ электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу институтнинг бир ойлик электр энергияси истеъмолининг 30 фозини ташкил қилади. Айни кунда автотураргоҳда умумий қуввати 300 киловатт-соатга эга 546 та қуёш панелидан иборат электр станциясини ўрнатиш борасида ишлар олиб боріляпти. Бундан ташқари, жорий йилнинг ўзида 7 минг дона ЛБ-40 ва ЛБ-20 русумли лампаларни тежамкор ЛЭД лампаларга алмаштириш орқали ўртача бир ойлик электр энергияси истеъмолини 3500 киловатт-соатга қисқартишга эришиш режалаштирилган.

Институт ҳудудида Wi-Fi ротори қурилмали, кичик қувватли истеъмолчиларни электр манбаи билан таъминлайдиган ҳамда ташқи ёритиш ва реклама чироқларини электр энергияси билан таъминлаш имкониятига эга соябонлар ишлаб чиқилиб, ўрнатилди. Ҳар бир соябон қуввати 1 киловатт-соатли 20 дона фотоэлектр модулдан ташкил топган. Қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги энергия тизимларининг умумий ва техник салоҳиятини баҳолаш билан бир қаторда, уларнинг ишлаб чиқариш қувватини турли иқлимий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда қисқа ва узоқ муддатли илмий башоратлашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Актинометрик ва метрологик станция ёрдамида ҳудуд учун ўртача соатлик, ўртача кунлик актинометрик ва иқлимий маълумотлар базаси яратилмоқда.

Олиб борилётган кузатув маълумотлари иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалий қўллаш учун муайян географик ҳудудда қуёш энергияси салоҳиятини юқори аниқликда ишончли баҳолаш, қуёш қурилмалари ва улар асосидаги энергия тизимларини лойиҳалаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини башоратлаш имконини беради.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

# ЮРТ ДОВРУҒИН ОЛАМГА ЁЙМОҚДА ЁШЛАР

## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ САРАЛАБ ОЛИШ ТИЗИМИ ҲОЛАТИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ЗОМИН ТУМАНИДА ЎРГАНИЛДИ



**Муқаддас ЎРОЗАЛИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

**Жорий йил 30 апрель куни ўтказилган умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат экани белгилаб қўйилди. Ижтимоий давлат — инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамларнинг муносиб яшаши учун шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш демак. Бу мақсадларга эришишда ёшлар тарбияси, таълимга эътибор ва уни ривожлантириш муҳим ўрин тутади.**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эртанги кун эгаларининг замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 3 декабрда қабул қилинган “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори шулар жумласидан. Яқинда Жиззах вилоятининг Зомин туманида мазкур қарор ижроси ҳолати ўрганилди.

Тумандаги 60-умумтаълим мактабида ўтказилган ўрганишда Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи директори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Ортиқбой Эшонқулов ҳамда депутат ва сенаторлар қатнашди.

Қарорда иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни академик лицейларга саралаб олиш, чуқурлаштирилган таълим дастурлари асосида ўқитиш белгиланган. Шу боис, ушбу академик лицей ва 60-мактаб раҳбарлари иштирокида ёшларни саралаб олиш бўйича Зомин туманидаги мавжуд барча 72 та мактаб ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаси ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад ўқувчиларни халқаро фан мусобақаларига тайёрлаш, фахрли ўринларни эгаллаганларни эса лицейларга имтиҳонсиз қабул қилишдан иборат.

Бундай тадбирлар ўқувчиларда кенг дунёқараш, интеллектуал салоҳият, ижодий ва таҳлилий фикрлашни кучайтириш, илм-фанга қизиқишини ошириш, уларнинг фан олимпиадаларидаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади. Қолаверса, академик лицейларда таълим сифатини яхшилаш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, ўқувчиларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, уларни устоз-шогирд тизими асосида малакали мутахассисларга бириктириш имконини беради.

Албатта, иқтидорли ёшлар бизнинг келажагимиз. Мамлакатимиз раҳбари ёш авлод вакилларига ишонч билдириб, улар бизнес, илм-фан маданият, санъат, адабиёт ва спорт соҳаларида улкан муваффақиятларга эришаётганини кўп бора таъкидлайди. Дарҳақиқат, бугун ёшларимиз халқаро фан ва спорт мусобақалари, олимпиадаларда юртимиз довруғини дунёга ёймоқда.

Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизимини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитлар яратиш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш борасидаги ислоҳотлар тизимли амалга оширилмоқда. Шунингдек, академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида мактаб ўқувчиларини саралаб олиш бўйича танловлар ҳар бир вилоятда ўтказиб келинади.

Бугунги кунда Тошкент педиатрия институтининг академик лицейида таҳсил олаётган ўқувчилар Россия, АҚШ, Туркия, Қозоғистон, Жанубий Корея, Сингапур, Дания, Индонезия, Швейцария, Вьетнам, Озарбайжон, Грузия, Таиланд, Беларус, Эрон, Словакия, Чехия, Венгрия, Франция, Япония, Португалияда бўлиб ўтган кимё, биология бўйича халқаро фан олимпиадаларида кўп бора ғолиб бўлишди. 2008-2021 йилларда дунёнинг турли давлатларида ўтказилган фан олимпиадаларида улар жами 83 та медални қўлга киритган.

— Бу лицей эришган ютуқлари билан дунёга машҳур, — деган эди халқаро олимпиада ташкилотчиларидан бири, Франциядаги Страсбург университети профессори, Нобель мукофоти совриндори Жан-Пьер Саваж. — Чунки ярим асрдан буён дунё миқёсида билимлар беллашуви ўтказилаётган бўлса, ҳали бир дона ҳам медаль олмаган давлатлар анчагина.

Табиийки, Президентимизнинг юқорида тилга олинган қарори ватанимиз довруғини янада юксакларга кўтарадиган салоҳиятли, билимли кадрлар етишиб чиқишига, Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш йўлидаги интилишларига ҳуқуқий ва амалий замин яратиб берди.

МУТОЛАА ВА МУШОҲАДА







# БУЮК ҚАЛБ армони

## ёхуд Чингиз Айтматовнинг умумсайёравий изтироби

**Нарзулла ЖЎРАЕВ, профессор**



**Инсоният маънавий-ахлоқий таназзул ёқасида турибди. Кишилик тарихи тадрижий тараққиёти натижасида юзага келган қадриятлар ўз моҳиятини йўқотмоқда. Халқлар, миллатлар ўзлигидан узоқлашмоқда. Замонавий цивилизация инсоният тафаккурини тубдан ўзгартириб юборди. "Дунёга бир марта келдим. Кўнглим тусаганича яшашим керак" қабилидаги қарашлар одамлар онгида чуқур ўрнашмоқда. Натижада минг йиллар мобайнида ҳаёт синовларидан ўтган, одам ва олам халоскори сифатида ўзини намоён этган, кишилик ҳаётини мазмун билан бойитган азалий қадриятлар ўз қийматини йўқотмоқда.**

Ахлоқсизлик, маънавий қашшоқлик, бугун учун яшаш кайфияти инсоният тараққиётига катта зарба бермоқда. Унинг истиқболига таҳдид қилмоқда. Америкалик машҳур социолог Патрик Бьюкенен "Ғарбнинг ҳалокати" ("The Death of the West") китобида бу ҳақда батафсил тўхталган. Европа цивилизацияси инқирозининг асосий сабаби ахлоқсизлик, маънавий қашшоқлик эканини катта изтироб билан баён этади. Унинг хулосаларига кўра, Европада аҳоли ўсиши кескин камаймоқда. Қизлар она бўлишни, йигитлар ота бўлишни истамаяпти. Улар онгида оила тушунчаси йўқолиб бормоқда. П.Бьюкененнинг ёзишича, бутун Европа қариялар уйига айланган. Бешик ясайдиган усталардан кўра, тобут ясайдиганларнинг бозори чаққон. Бу — умуммиллий инқирознинг ўзгинаси.

Машҳур сиёсатшунос Генри Киссенжер: "Бизда эркак билан аёлнинг шунчаки биргаликда яшаш истаги мавжуд. Шарқда оила деган муқаддас тушунча бор. Бизда эркак билан аёлнинг бир-бирига эҳтиёжи бор. Шарқда муҳаббат бор", деган эди. Афсуски, бу ёқимсиз, изғиринли шабада Осиёда ҳам эсмоқда. Ёшлар турмуш тарзи, ҳаётий эҳтиёжлари ва ақидалари муайян даражада ўзгариб бормоқда. Бундай умумпланетар муаммо, умумсайёравий таназзул атоқли адиб Чингиз Айтматов асарларида акс этди. Ёзувчининг бутун ижоди, айтиш мумкинки, инсон ва инсоният, одам ва оламнинг бугуни ва истиқболи билан боғлиқ ғоят дардчил, изтиробли бадиий тафаккурнинг бетимсол ҳодисасидир.




Чингиз Айтматов ҳозирги маънавий-ахлоқий жараёнларни талқин қилар экан, ўтмиш — бугун — келажак узвийлигини ва унинг қиёсий таҳлилини, фалсафий ва мантиқий моҳиятини бетакрор бадиий услубда ифода этади. Ёзувчи давр психологиясини, ижтимоий ҳаёт моҳиятини инсоният кечинмалари, қалб манзаралари ва руҳий олами орқали очиб беради. Ҳозирги замон инсоният руҳиятини, унинг ҳаётий эҳтиёжларини бир неча минг йиллик қадриятлардан узоқлашган ва енгилтак ҳаёт ишқибозлигига айланган фожиали ҳодиса сифатида тушунади. Ҳар бир қаҳрамони ва персонажи сўзларида, ўзаро муносабатларида, тўқнашувлари ва кечинмаларида битта шахс ўйлари орқали умуминсоний муаммо очиб берилади. Зотан, Ч.Айтматов учун бутун инсоният — битта одам. Бутун Ер шари — ҳамманинг нажот майдони.

Адиб замонавий кишилик жамиятининг маънавиятдан узоқлашаётганига, ахлоқсиз турмуш тарзи тобора чуқурлашиб бораётганига қарши исён қилади. Ушбу кечинмалар турли шаклларда, турли ҳолатларда, бир-бирига ўхшамаган қаҳрамонлар кечинмаларида ифодасини топган. Бироқ уларнинг моҳияти битта — умумсайёравий инсоният инқирози. Жумладан, "Кассандра тамғаси" романи шакли, услуби, муаллифнинг ёндашиш усули жиҳатидан жаҳон адабиётида бутунлай янги ҳодиса эди. Ҳали одам шаклига кирмаган муртак-эмбрионнинг бутун инсоният глобал гуноҳлари, шафқатсизлик, бедодлик, хиёнат, зўравонлик оламидан юз ўгириши ва бундай эркин ҳаётга келишдан воз кечиши инсонга ва инсониятга қарши ўзига хос исён эди.

Чингиз Айтматовни замонавий оммавий маданиятнинг тобора ахлоқсизланиб бораётгани, инсон тафаккурини заҳарлаётгани, уни қадриятлардан адаштираётгани изтиробга солади. Адиб алоҳида-алоҳида одамлар сингари бутун кишилик жамияти мавжуд қадриятлардан адашаётганини, истиқболини издан чиқараётганини, охир-оқибатда бутун инсоният тубсизликка, маънавий-руҳий ҳалокатга ҳамда шонли, шукуҳли, меҳрли ва муҳаббатли ҳаёт қуёши сўнишига олиб келаётганидан ташвишланади.

Чингиз Айтматов алоҳида-алоҳида одамларнинг ҳам, бутун инсоният ҳаётининг ҳам ягона ва бирдан-бир халоскори ҳозирги дунёдаги тартибсизликка барҳам бериб, ахлоқий асосларга, минг йиллар мобайнида шаклланган маънавий қадриятларга қайтиш, деб билади. Айнан шу маънавий-ахлоқий меъёрлар, қадриятий мўлжаллар умумсайёравий инқироздан сақлаб қолиши муқаррар, деган хулосага келади.

Чингиз Айтматов асарларига назар ташласангиз, битта ғоявий узвийликни, фикрий давомийликни кўрасиз. Унинг бош бадиий ва ҳаётий ақидаси битта — инсон фақат ҳаётини юксак ахлоқ ва маънавият тамойиллари асосида қурсагина ўзини тўлақонли инсон сифатида намоён эта олади. Инсоният цивилизацияси эса замонавий илмий-техник тараққиётни маънавият асосларида қурсагина, ҳар қандай кашфиётлар, оламшумул ихтиролар ахлоққа хизмат қилсагина ижобий натижасини беради.

Инсон табиати, моҳияти, қадриятий жиҳатлари унинг ҳаётий муносабатларига, кечинмаларига, турмуш ақидаларига боғлиқ. Ёзувчи инсонни инсонлигича кўради. Унинг ички оламига киради. Қалб тебранишларини, руҳий ҳолатларини, севинчу изтиробларини ўта нозиклик билан кузатади. Ана шу кузатишлар оқимида улкан бадиий умумлашмалар қилади. Битта одамнинг характерли хусусият ва кечинмалари орқали яхлит инсоният тақдири ва Ер шари истиқболи билан боғлиқ глобал муаммоларни кўтариб чиқади. Бу одамда одамийликни кўриш, инсондан инсонийликни излаш каби ғоят мураккаб кузатувчанликни, инсоншуносликка доир қатор фанларни етарли даражада ўзлаштиришни тақозо этадиган, бошқача айтганда, қомусий билим ва ғоят бетакрор бадиий маҳоратни талаб қиладиган ҳодиса. Унинг ҳар бир асарида бир-бирига ўхшамаган кучли қалб драматизми ва ёрқин психологик ҳолатни кўриш мумкин. Қаҳрамонлар алоҳида-алоҳида, мустақил образ сифатида яратилгани билан умумсайёравий моҳиятга эга бўлган ва инсоният тақдирини ўзида мужассам этган бетакрор шахслар тимсоли. Ёзувчи инсон қалбининг барча қирраларини ўрганишга, унинг ич-ичига киришга ҳаракат қилади ва бунга эришади. Қаҳрамонлари қалбидаги эзгулик ва ёвузлик, ахлоқийлик ва ахлоқсизлик, манфаатлар тўқнашуви, муҳаббат ва нафрат ўртасидаги мураккаб психологик ҳолатни реал воқеликка, кишилик жамиятининг дардчил, ғоят изтиробли муаммосига айлантиради.

"Кассандра тамғаси" романи ҳозирги замон инсоният тақдирининг фожиали тартиб-қоидаларига хилоф ва одатдаги қарашларига зид ҳолда замонавий цивилизациянинг экологик ва маънавий инқирозининг салбий оқибатларини, инсоният тараққиётининг истиқболи билан боғлиқ муаммони кўтаради.

Кассандра ёвузлик тимсоли... "Кассандра-эмбрионлар сони тўхтовсиз ортиб бормоқда. Бунинг сабаби инсон ҳаётининг ахлоқсизлиги ва фалокат ёқасига келиб қолганини дунёвий онгнинг тобора кўпроқ тушуниб етганидадир. Кассандра тамғаси дунёнинг охир бўлиши яқинлашаётганини она қорнидаёқ бутун борлиғи билан ва умидсизланиш ҳисси ила кутаётган охирзамон ҳомиласининг кадр орти овозидир. Бу эса ҳомилада яшашга табиий интилиш ҳиссини сўндиради". Демак, муртак-эмбрион одам бўлиб туғилишни истамаяпти. У инсониятдан нафратланяпти. Кишилик ҳаёти тубанлашган, ахлоқсизлик, маънавий қашшоқлик чуқур илдиз отган ҳаётда яшагиси келмаяпти. У ҳатто инсоният ҳаёти инқирозга учраётгани, охирзамон яқинлашаётганини башорат қилади. Бу, айтиш мумкинки, Чингиз Айтматовнинг қалб фарёди, юрак изтироби эди.

> **"КАССАНДРА ТАМҒАСИ" РОМАНИ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИНСОНИЯТ ТАҚДИРИНИНГ ФОЖИАЛИ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИГА ХИЛОФ ВА ОДАТДАГИ ҚАРАШЛАРИГА ЗИД ҲОЛДА ЗАМОНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ЭКОЛОГИК ВА МАЪНАВИЙ ИНҚИРОЗИНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИНИ, ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИСТИҚБОЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОНИ КЎТАРАДИ.**

Вақт ва фазо... Бу Чингиз Айтматов фалсафасининг бутун мазмунини, моҳиятини белгилайди. Инсоният кўп минг йиллик тарихий тараққиётини ана шу фалсафий меъёр ва ўлчовлар асосида қуради. Унинг бутун маҳобатини, салмоғини, таназзулию зафарли онларини, қувончларию ситамли дамларини инсон, унинг маънавий-ахлоқий моҳияти тимсолида кўради.

Вақт — фазовий ўлчов бирлиги. Узлуксиз, ниҳояси йўқ, кайҳоний тушунчанинг ажратиб олинган муайян муддати. Дейлик, инсон умри. Унинг ибтидосию интиҳоси бор. Белгиланган ана шу муайян муддатда ҳар бир одам мавжудлигини намоён этади. Шахсий имкониятлари, феъл-атвори, ақлий салоҳияти ва, албатта, жисмоний — биологик, физиологик омиллари орқали жамиятда ўз мавқеига эга бўлади. Ҳар бир одамнинг хатти-ҳаракати, интеллектуал даражаси уюшиб яхлит жамият, муайян давр тақдирини, моҳиятини белгилайди.

Ана шу ерда фазо тушунчаси ўз мазмунига эга бўлади. Фазо — чексизлик, чегарасизлик, тубсиз коинот. Дарҳақиқат,




инсон умри сарҳадли, инсоният ҳаёти эса чексиз. У узлуксиз тарзда тадрижий давом этаверади. Янги авлодлар дунёга келиб, кишилик ҳаётининг узлуксизлигини таъминлайди. Инсоният тарихий тараққиётининг, эволюцион ривожланишининг динамикаси, севинч ва изтироблари инсон орқали вужудга келади.

Чингиз Айтматов фалсафасида вақт ва фазо тушунчалари бутун моҳияти билан ўткир драматик тарзда ўз ифодасини топган. Аниқроқ айтганда, буюк мутафаккир қалбининг туб-тубида ушбу ҳолат аччиқ изтиробга тўла трагик — фожиавий дард. Фақат адиб буни ҳиссиётларга берилмай, ўз феъл-атвори ва салобатига мос равишда, оғир-вазминлик билан, чуқур андиша ва катта интеллектуал қудрат билан баён этади.

"Пичоқ бориб суякка теккач" ҳар қандай инсон ёрилади, бақиради, ўкиради. Чингиз Айтматов инсониятнинг бутун тараққиётидаги буюк қадриятлар ахлоқсизлик туфайли барбод бўлаётганини, кишилик ҳаёти тубсиз жар ёқасига келиб қолганини чуқур ҳис этади ва бундан изтироб чекади. Кайҳоний роҳиб Филофей ва футуролог Роберт Борк ғояларига қарши бутун Ер шари аҳолиси оёққа турган, жаҳолат отига миниб, ўзини унутганлар ҳақида гапирар экан, "...норози кимсалар мағлубиятдан қўрқади, иссиқ ўриндан ажралиб қолишдан чўчийди. Ахир, келажакда тафаккурда туб ўзгаришлар рўй бермоғи керак, ўшанда турмушдаги барча ахлоқсизликлар, жамики палитлик инкор этиладики, Кассандра эмбрионларининг инстинктив қўрқадиганлари ҳам ана шу фалокатлардир. Бунда ўзини ўзи англашнинг ўзгариши эзгу ахлоқий хоҳиш-истаклар туфайли рўй бермайди. Бу омон қолиш ва тараққиётнинг бирдан-бир реал шарти бўлиб қолади", дейди.

Тўғри-да, ёвузлар, палитлар, сотқинлар, мунофиқлар маънавий тикланишдан, руҳий покланишдан, ахлоқий юксалишдан чўчийди. Уларнинг қалбидаги қўрқув дунёнинг гўзаллашуви, инсон ва инсониятнинг поклашуви, кишилик ҳаётининг меҳр ва муҳаббат, бахт ва саодатга эврилишидан. Бундай маънавий-руҳий ҳолат ҳозир ҳам мавжуд.

Ҳар қандай инсон эзгулик ва ёвузлик оралиғида, бошқача айтганда, ҳаётининг ҳар кунида сандон билан болғанинг орасида яшайди. Бироқ ҳамма вақт ёвузлик, ёмонлик, ҳасад, кўролмаслик эзгуликдан, яхшиликдан, бағрикенглик ва мурувватлиликдан устун келади. Чунки инсонда бош йўналтирувчи, бошқарувчи куч — худбинлик, манфаатпарастлик. Манфаатпарастлик туйғуси бор экан, ёвузлик имкониятлари ҳамиша кенг бўлаверади. Ёвузлик шу қадар кучлики, у ҳатто ақлдан ҳам устун келади. Уни бошқаради, йўналтиради. Ҳатто буюк хунрезликлару вайронагарчиликлар тарихнинг бир маромдаги азалий ҳаракатини кутилмаган фожиалар томон буриб юборишга қодир. Зотан, бу фожиалар ва таназзуллар ҳам ақл ёрдамида амалга оширилади. Охир-оқибатда одамларнинг физиологик, биологик ва жисмоний ҳолатлари ҳозиргидай сақлангани билан ақлий, ахлоқий, маънавий ва психологик жиҳатдан бошқа жонзотлар пайдо бўлиши мумкин. Ақл-заковат, хулқ, ҳаётга муносабатлар, ҳайвоний инстинктларнинг кучайиши оқибатида бошқача тажовузкор, шафқатсиз моҳият касб этиши мумкин. Ана шу жараённи назарда тутиб, Чингиз Айтматов "Ҳаммамиз афсуски, бир-биримизни ямлаб ютадиган йиртқичлигимизча қолаётирмиз", дейди. Ҳатто бу мудҳиш ҳодисани "генетик жиноят" сифатида кўради.

"Яшашга бўлган хоҳишнинг сўниши жаҳон цивилизациясининг сўнишидир. Ана шу охирзамон демакдир". Ҳа, яшашга иштиёқ меҳнат қилиш, ишлашга даъват этади. Яхши яшаш унинг зарурий эҳтиёжини қондириш, яратиш керак бўлади. Агар бу иштиёқ кенг тафаккур, катта билимга асосланган бўлса, буюк кашфиётлар, оламшумул ихтиролар юзага келади. Демак, цивилизация, янги Уйғониш даври, тарихий сакраш ҳодисаларига сабаб бўлади. Муртак-эмбрионнинг она қорнидаёқ "Туғилсаммикан, туғилмасаммикан" деган фожиавий ҳолати, ҳаётдан юз буриши, ёруғ дунёдан воз кечиши инсоният ҳаётига ва истиқболига нуқта қўйиш демакдир. Бу, Ч.Айтматов ибораси билан айтганда, охирзамондир.

Она замин! Момо Ер! Дарҳақиқат, у ҳаммамиз учун, ҳар биримиз учун, бутун инсоният учун нажот майдони, ҳаёт манбаи! Унинг ягона ва мутлақ эгаси мен, сиз, у ва ҳаммамиз. Биз ўз ахлоқсизлигимиз, худбинлигимиз ва нафс қулига айланганимиз оқибатида умумбашарий хонадонга ўт қўйяпмиз. Фақат шугина эмас, биз Ҳазрати Инсоннинг тарихий ва табиий тараққиёти давомида унинг шажарасини таназзулга олиб келдик, ирсиятни айнитдик. Инсоннинг генетик асосларини буздик. Геноцидга олиб келдик. Жисмоний жиҳатдан соғлом, аммо ахлоқий жиҳатдан майиб-мажруҳ кишилик жамиятини вужудга келтирдик.

Чингиз Айтматовнинг озурда қалби ва шикаста руҳияти "Ерда бизларнинг ўзларимиздан, одамлардан бошқа ёвузлик соҳиби йўқ", дейди. У одам тури ёвуз, осий ва гумроҳ банда, маънавий ғафлатдаги банда, деган хулосага келади. Ҳозирни ҳузур биладиган, эртасини ўйламайдиган банда. "Бугуним ўтди, эртага Худо пошшо" қабилида яшайдиган боқибеғам банда. Бу буюк адибнинг буюк изтироби эди.

"Кассандра эмбрионлари — бизнинг мусибатимиз, жиноятимиз. Бунинг учун биз жавобгармиз". Ҳа, биз уларни ўз ахлоқсизлигимиз, айшу ишратимиз, роҳат-фароғатимиз туфайли шу кўйга солдик. Худбинлигимиз, якка-якка тартибдаги манфаатпарастлигимиздан тортиб, глобал тўқнашувлар, қуролланиш пойгаси, зўравонлик, буюк давлатчилик шовинизмигача бўлган фожиаларимиз туфайли икки ҳафталик муртак-эмбрионнинг исён кўтариши даражасига олиб келдик. У "Одам бўлиб туғилсаммикан, туғилмасаммикан?" дегани ёруғ дунёга, кишилик ҳаётига буюк нафрат тўла қарашлари эмасми?! Бу — бизга, ҳаммамизга нафрат эмасми?! Инсониятнинг бутун ўтмишига, бугунига ва келажагига нафрат эмасми?! Ана шу чуқур изтироб тўла иккиланиш туйғусининг бутун моҳияти билан "Кассандра тамғаси — генетик гулкосаларда жуда бевақт сўлган гуллар марсиясидир." Бу марсия бизу сизга, ҳаммамизга аталган. Бизнинг кирдикорларимиз келтирган чексиз фожиаларга қаратилган. Инсониятнинг бир неча минг йиллик ҳаётига нуқта қўйиладиган палла — охирзамондан дарак берувчи нидо.

Чингиз Айтматов инсониятнинг ҳозирги цивилизациявий шароитдаги ахлоқий ва маънавий таназзули кишилик ҳаётининг инқирозига олиб келди, дейди ва уни охирзамон, деб атайди. Балки бу ёзувчининг қайсидир даражадаги ошириб юборган ҳиссий, эҳтиросий ҳолатидир. Балки бу буюк адибнинг муболағасидир. Лекин ҳаёт, ҳозирги турмуш тарзи биздан ҳушёрликни, келажак олдида қарздорликни тақозо этмоқда. Бир жинслиларнинг оила қуриши Европада қонун билан ҳимояланганi, инсонга кўнгли тусаганича яшаш имконияти берилгани ундаги ҳайвоний инстинктлар кучайиб бориб инсоний фазилатларнинг йўқолиб кетишига олиб келмоқда. Қолаверса, тўққиз яшар қизалоқни бурда-бурдалаб ўлдирган қотил ҳам аёл эди. Саккиз ойлик чақалоғини минг долларга сотмоқчи бўлган аёл ҳам она эди. Ҳимоячиси йўқ, ота-онасидан айрилган, қалби шикаста, вояга етмаган қизларни доимий зўрлаб келган амалдорлар ҳам ўзини одам санайди. Буларнинг ҳаммаси, айтиш мумкинки, инсоният тафаккур тарзининг ўзгариб бораётганидан, ахлоқий таназзул мавжудлигидан далолат беради.

Фазовий роҳиб Филофей Кассандра муртакларини она қорнидаёқ йўқ қилиш чораларини кўради. Инсоният ҳаётини аслига қайтариш, гўзал ва жозибадор турмуш тарзини асраш, инсоннинг асл қадриятий жиҳатларини ҳимоя қилиш мақсадида уларни жуда ёшлигидаёқ аборт қилиш чораларини кўради. Бироқ бу инсон ҳуқуқлари, унинг эрки, танлаш ҳуқуқи нуқтаи назаридан ғайриинсоний ҳодиса. Ҳар қандай аёл ҳомиладор бўлдими, у она бўлишни истайди. Унинг бу ҳуқуқидан мосуво қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Устоз адибимиз Одил Ёқубов "Кассандра тамғаси" романининг ўзбек тилидаги нашрига ёзган сўзбошисида замонавий фаннинг илғор ижтимоий ютуқларидан мисол келтиради. Россия Фанлар академияси Тиббиёт-генетика илмий маркази директори, одам цитогенетикаси лабораторияси мудири Николай Кулишевнинг ходимлари 300 мингга яқин ҳомиладор аёлни текширувдан ўтказиб, оғир туғма ва ирсий касалликларга маҳкум 1250 бола дунёга келишининг олдини олганини айтади. Бу, албатта, ижтимоий жиҳатдан қайсидир даражада аҳамиятлидир. Чунки майиб-мажруҳ туғилган бола жамиятга ҳеч қандай наф келтирмайди. Аксинча, бошқалар яратган неъматлардан фойдаланади. Балки бу кераклидир. Бироқ у инсон-ку. Бунинг устига, зарарсиз инсон. Мабодо, жисмоний соғлом, ақлли бўлса-ю, ўзининг ноёб ақлини ёвузликка ишлатадиган одам туғиладиган бўлса, нима қилиш керак? Унинг ахлоқий, руҳий, ақлий даражасини, маънавий генетик асосини топиб бўлмаса керак. Топилганда ҳам туғилажак шундай бедаво, ёвуз одамнинг онаси уни муртаклигидаёқ йўқ қилишга рози бўлармикан? Ана шундай мураккаб психологик ҳолат, руҳий зиддиятлар оқибатида маҳбуса Руна ўзини ўзи ўлдирганини қандай тушуниш мумкин?

Чингиз Айтматов инсон ва инсоният, одам ва олам ҳаёти, бугуни ва истиқболи ҳақида фикр юритар экан, жуда катта умумсайёравий муаммони таҳлил қилади. Бу билан улкан интеллектуал имкониятини намоён этади. Буюк адибнинг бадиий олами, фалсафий дунёси зиддиятли ҳаёт каби ғоят мураккаб, уммон каби сокин, дарё каби тошқин. Бу оламни яхлитлигича, бир бутунлигича тушуниш, англаш анча қийин.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-546.
11117 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Гулчеҳра Дурдиева
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 00:05 Топширилди — 00:35